



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 16-oktabr, chorshanba * № 37 (1149)

УМИД НИЯТГА, НИЯТ АХДГА, АХД ХАРАКАТГА АЙЛАНСИН



Til — millat g'ururi

Зеро, Давлат тилига бағишланган катта-кичик тadbирларда сaҳна марказига "уйинбоп" кўшиқ ва киши имонини ўғирлайдиган рақслар эмас, балки бедор фикр ва чуқур тафаккур, теран ўй ва кенг мушоҳада, аниқ ҳамда асосли таклифлар чиқмоғи бугун сув ва ҳаводек зарур.

⇒ 3-бет

ЙЎЛЛАРНИ ТУТАШТИРГАН ОРЗУЛАР



Умумхитой журналистлари ассоциацияси 1 миллиондан ортиқ журналистни бирлаштирган, шунингдек, дунёнинг кўплаб давлатлари журналистик ташкилотлари билан алоқа ўрнатган ҳамда ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзолаган.

⇒ 4-бет

ЯНГИ САЙЛОВ, ЯНГИ ТАФАККУР

сиёсий партиялар депутатликка муносиб номзодларни қандай танлайди?



Бугунги парламент аввалги қуруқ савлатли "олий совет" эмас, истиклол йиллари халқ иродаси, миллий тараққиёт эҳтиёжи, озод фикр ривож билан шаклланаётган, оғир синовлардан ўтган, жаҳоний андозаларга мос демократик минбар.

⇒ 5-бет

АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОшлиК АЛОҚАЛАРИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида 15 октябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммити бўлиб ўтди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши Нурсултон Назарбоев иштирок этди.

Анжуманда қузатувчи мамлакат вакили сифатида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, шунингдек, Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раиси ўринбосари Пурли Агамурадов қатнашди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев саммитни очар экан, Президент Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлгани муносабати билан табриклади. Ўзбекистон раҳбарининг бу тарихий қарори туркий тилли давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва изчил тараққиётига хизмат қилишини қайд этди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этди. Мамлакатимиз ушбу нуфузли халқаро тузилмага жорий йилда қўшилди.

Шавкат Мирзиёевнинг очик ва прагматик ташки сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли кейинги йилларда Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари кўпайди. Қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутолқо янги — соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари, янги механизмлари жорий этилмоқда.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ана шундай янги мулоқот майдонларидан биридир. Бу ташкилот 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида тузилган бўлиб, дастлаб унга Туркия, Озарбайжон, Қозғистон ва Қирғизистон аъзо эди.

Кейинги йилларда мазкур давлатлар билан алоқалар мустаҳкамланди. Олий ва юқори даражадаги таширфлар амалга оширилди. Президентимиз 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган саммитда фахрий меҳмон сифатида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Чўлпонотадаги саммитда халқароимизни азаладан ўқуш тил, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари бир-бирига боғлаб келаётгани, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида ўзаро манфаатли шериклик учун кенг имкониятлар мавжудлигини таъкидлади экан, бу борадаги асосий йўналишларга тўхталиб, бир қанча муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Дастлабки ташаббуслар амалга оша бошлаганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Хусусан, жорий йил 5 октябрда Тошкентда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши бизнес форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Венгриядан 500 дан зиёд тadbиркор қатнашди.

Ўзбекистон билан ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқалар фаол ривожланар экан, уларни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш зарурати пайдо бўлди. Жорий йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилди. Мазкур ташаббус ташкилотнинг кенгайиши ва унинг халқаро майдондаги нуфузи ошишида жиддий қадам бўлди. Шу боис барча аъзо мамлакатлар Ўзбекистоннинг бу қарорини маъмурий билан қабул қилди. Расмий шахслар, экспертлар халқимизнинг туркийлар

тарихидаги ўрни, бугунги салоҳиятини эътироф этди.

Аслида туркий халқларнинг келиб чиқиш тарихи милоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Ҳазнавийлар, Салжۇқийлар ва Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва турмуш тарзи кенг ёйла бошлаган, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Уларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий тилли халқлар, балки бутун жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Туркий халқлар ўртасидаги яқинлик нафақат муштарак маданият, тил, дин ва ўқуш қадриятлар, балки қадимдан савдо алоқалари йўлга қўйилиб, ўзаро борди-келди, ҳамкорлик қилиб келингани билан ҳам боғлиқ. Бу ришталар собиқ иттифоқ даврида узилиб қолган, чекланган бўлса-да, аммо мустақиллик йилларига келиб қон-қардошлик туйғуси яна эски ўзинини топди.

2009 йилда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Туркия, Озарбайжон, Қозғистон ва Қирғизистон бу дўстлик ва ҳамкорликни янги босқичга кўтариш мақсадида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини тузиш ҳақида келишиб олди. Ташкилот фаолиятининг асосий принциплари 2016 йилда қабул қилинган Истанбул декларациясига белгиланган бўлиб қўйилди.

Ташкилот таркиби Туркий тилли давлатлар раҳбарлари кенгаши, Ташкилот ишлар вазирлари кенгаши, Катта мансабдор шахслари қўмитаси, Оқсоқоллари кенгаши ва Бокудаги Парламент ассамблеяси, Нур-Султонда Турк академияси, Анкарада Турк маданияти халқаро ташкилотидан иборат. Туркий кенгаш Котибияти Истанбул шаҳрида жойлашган.

Бугунги кунда туркий тилли давлатларда яшаётган халқларнинг умумий сони 150 миллиондан ошади. Ушбу кенгашга аъзо давлатлар ҳудуди қарийб 4 миллион квадрат километри ташкил этади. Ўзбекистон қўшилгандан сўнг Туркий кенгаш нуфуси, салоҳияти ва аҳамияти жиҳатдан Евроосиё марказидаги йирик тузилмага айланди.

Бу ташкилотнинг асосий мақсади қардош мамлакатлар ўртасида ишонч ва алоқаларни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва ҳафсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдир.

Ўзбекистоннинг мазкур халқаро ташкилотга қўшилиши давлатимиз ташки сиёсатидаги тарихий қадамлардан бўлиб, мамлакатимиз, халқимиз учун фоят муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, Туркий кенгашга аъзолик нима беради?

Аввало, Ўзбекистон ташки сиёсатида янги йўналиш очилди, мамлакатимиз Марказий Осиё ва ундан кенгроқ минтақада фаолият кўрсатаётган яна бир йирик халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Аини пайтда халқимизнинг миллий ўзлиги, олис ўтмиши, тили, тарихий келиб чиқиши ва шаклланиши билан боғлиқ азалий қадриятлари ҳамда қўшни ва узоқ қардош мамлакатлар билан дўстона алоқалари қўшимча воситалар билан мустаҳкамланди.

Янги Ўзбекистонимизни юксак тараққиёт босқичига кўтаришдек эзгу ниятимизга янги-ча ва мустақил фикрлайдиган, ўз Ватанини жонидан ортиқ севадиган, унинг ёруғ келажаги учун садоқат билан хизмат қиладиган, фидойи ёшларни тарбиялаш орқали эришамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Бугуннинг жавоҳирлари Президент мактабидан репортаж

Интеграция ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар

Туркий кенгашнинг 7-саммити иштирокчилари, туркий дунё ҳамжамиятини муҳим сана — Туркий давлатлар ҳамкорлиги кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими қабул қилинганининг 10 йиллиги билан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ушбу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши мустаҳкам тарихий алоқалар, тил, маданият ва маънавий қадриятлар муштараклигида янги даврни бошлаб берди. Бугун Туркий кенгаш аъзо-давлатлар ўртасида мулоқот ва кооперацияни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида уларнинг манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун нуфузли халқаро платформа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси катта туркий оиланинг узвий бўлаги сифатида туркий тилли давлатлар билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ Ўзбекистон туркий дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган "Туркистон — умумий уйимиз" деган ташаббусни илгари сурди. Мамлакатимиз туркий тилли мамлакат-

лар давлат раҳбарларининг илк саммитларида фаол иштирок этди. 1996 йил 21 октябр куни Тошкент шаҳрида туркий тилли давлатлар раҳбарларининг тарихий — тўртинчи учрашуви бўлиб ўтди. У туркий тилли давлатлар ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим даврни бошлаб берди ва маълум маънода замонавий Турк кенгашини тузишга асос бўлди. Ушунда Тошкент декларациясини имзолар экан, давлатлар раҳбарлари ўзаро маслаҳатлашувларни мунтазам ўтказиш зарурлигини қайд этиб, туркий тилли давлатлар раҳбарлари учрашувлари Котибиятини ташкил қилишга келишиб олди. Бу муҳим институт роппа-роса 10 йил аввал Турк кенгашининг Нахичеван битимига мувофиқ таъсис этилган ҳамкорлик кенгашининг замонавий Котибияти фаолиятида ўз ифодасини топди.

Жорий йилда Ўзбекистон расман Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига Нахичеван битимига қўшилиш ҳақидаги ариза билан расман мурожаат қилди. Мазкур мурожаат Ташкилотга аъзо барча давлатлар томонидан илиқ қарши олинди, бунинг учун уларга чуқур миннатдорлик изҳор қилдимиз. Фоят қисқа фурсатда — қарийб бир иш кунига ижобий жавоб берилди.

► Фурур

Кенгесбой КАРИМОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

Туркий тили

Нью-Йоркда сўзингни билмаслар балки,
Лондонда назарга илмаслар балки,
БМТда мажлис қилмаслар балки,
Ўзимнинг жонажон туркий тилимсан.

Култегин бободан уқдим отингни,
Маҳмуд Қошғарийдан кўрдим хатингни,
"Қутадғу билик"дан ҳоқон отингни
Юксалтирган менинг туркий тилимсан.

Нақадар қадимий буюк шажаранг,
Сербутоқ шохингда қанча мева, ранг,
Юлдузлар каби мўл шеванг, иборанг,
Сен осмон, сен дунё, туркий тилимсан.

Бир ота-онанинг эти-тирноғи,
Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман тупроғи,
Озар, қўмиқ, чечен, қорақалпоғи
Она деб сўзлаган туркий тилимсан.

Суйиб болам дейсан, меҳрибонимсан,
Менинг томиримсан, менинг жонимсан,
Она суги билан кирган қонимсан,
Она, она тилим, туркий тилимсан.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН таржимаси.

Давоми 2-бетда

Давоми 3-бетда

Интеграция ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар

Давом. Бошланиш, 1-бетда

Ишонамани, Ўзбекистоннинг Туркий кенгаши аъзо бўлиши туркий дунёга интеграцияни мустақамлашга хизмат қилади ва ҳамкорлик учун янги имкониятлар яратди. Туркий кенгаш аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини мустақамлашга интилягани ани дамда гоят муҳим.

Ўзбекистон Кенгаши аъзо барча давлатлар билан нафақат икки томонлама, балки қатор халқаро тузилмалар доирасида ҳам қўллаб соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш борасида катта тажрибага эга.

Туркий кенгаш фаолияти доирасидаги давлатлараро муносабатларнинг ижобий тенденциялари биз учун бугунги кунда нафақат Туркий кенгаш, балки БМТ, ЕХТТ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Афғонистон бўйича "Истанбул жараёни - Осиё юраги" каби халқаро тузилма ва механизмлар билан ўзаро алоқалар доирасида ҳам ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг янги истиқболларини очмоқда.

Кенгаш маслаҳатлашув давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи механизм ва Марказий Осиё, Кавказ, Ўрта Шарқ ва Европада тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни илгари суриш воситаси сифатида улкан имкониятларга эга. Менинг назаримда, аъзо давлатлар ўртасида бирор-бир муаммо ёки келишмовчилик йўқлиги Кенгашнинг энг муҳим афзаллиги ҳисобланади. Унинг барча аъзолари Туркий кенгаш фаолияти халқаро ва минтақавий кун тартибига оид долзарб масалалар бўйича мушарак ёки яқин яқдид қараш ва позицияларга амал қилади. Демак, иқтисодиёт, инвестициялар, инновациялар ва юқори

технологиялар, муқобил энергетика ва экология, транспорт ва коммуникациялар, туризм, илм-фан, таълим ва тиббиёт каби устувор соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ.

Туркий кенгаш давлатлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг амалдаги даражаси бизни гоят руҳлантиради. Аини пайтда унинг ҳақиқий салоҳияти анча юқори. Бизда янада юксак натижаларга эришиш учун барча зарур имкониятлар, энг асосийси, қатъий сиёсий ирода бор. Бу эса, шубҳасиз, халқларимиз манфаатларига тўла жавоб беради.

Шу маънода, Ўзбекистон ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари ва йўналишларини белгилаб олди. Биз уларни фаол қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

Бу, биринчи навбатда, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ. Бугунги кунда мазкур йўналиш ҳамкорликнинг лоқомоти бўлиши даркор, чунки у халқларимиз фаровонлигининг асосидир. Бунда мамлакатларимиз етакчи санат корхоналари, инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлари ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, шунингдек, минтақалараро самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Транспорт ва транзит соҳаларидаги яқин кооперация алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдормиз. Интеграциялашган транспорт алоқаси тармоғини ташкил қилиш дунёнинг асосий ва минтақа бозорларига чиқиш имконини беради. Бу ерда сўз, аввало, Шимол-Жануб ва Шарқ-Ғарб халқаро транспорт йўлақлари, Марказий Осиё минтақасини Хитой, Шимол-Шарқий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан боғловчи автомо-

биль, темир йўл ва ҳаво йўллари ҳақида бормоқда.

Шу мақсадда минтақада транспорт инфраструктурасини ривожлантириш бўйича стратегик жиҳатдан муҳим қатор лойиҳалар амалга оширилган. "Анджон — Ўш — Иркештом — Қошғар" автомобиль йўлининг ривожланиши, шунингдек, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли қурилиши бошланиши билан янада улкан имкониятлар очилмоқда.

Барча соҳаларга илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацияларни жорий қилиш ҳар қандай давлатнинг рақобатбардошлиги ва барқарор тараққиётини белгилаб берувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун Туркий кенгаш мамлакатларини инновацион ривожлантиришни биз устувор вазифа деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан биз келажак технологияларини ўзлаштириш бўйича дастур ва лойиҳаларни илгари суриш мақсадида инновацион ривожланишга масъул идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компаниялари ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни тақлиф этамиз.

Маълумки, туркий тилли мамлакатлар халқлари бутун инсониятнинг бойлиги ҳисобланган ўзига хос бебаҳо маданий-тарихий ва маънавий меросга эга. Мамлакатларимизда туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий ёдгорликлари, буюк олимлар, шоир ва мутафаккирлар, рассомларнинг мероси асраб-авайланади. Бу бебаҳо бойлик бутун инсоният мулки бўлиб, ундан бутун дунё баҳраманд бўлиши керак. **Зиёрат туризмининг фаол ривожлантириш** бунга хизмат қилади. Туризм индустрияси иқтисодиётнинг тарихий қисми сифатида мамлакатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Бугунимиз ва келажгимиз истиқболлини белгилар эканмиз, биз, шубҳасиз, халқларимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, бой тарихи ва маданияти, уларнинг кўп асрлик дўстлиги, яхши қўшничилик ва ўзаро англашув аъналарига таянамиз. **Мадааний-гуманитар ҳамкорлик давлатлар ўртасидаги муносабатлар муҳитини шакллантиради, инсонларни бирлаштиради.** Қозоғистонда Ўзбекистон йиллининг ва Ўзбекистонда Қозоғистон йиллининг ўтказилиши, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркменистон маданияти кунлари ва қўшма дўстлик концертлари, фестиваллари, кўргазмалари, шунингдек, инсонлар қалбида илқ туйғуларни жўш урдирган қўллаб бошқа қўшма тадбирлар ташкил қилиниши бундан ёрқин далолатдир. Бу Туркий кенгашнинг барча мамлакатлари учун яхши аънага айланиши ва, шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустақамлашга хизмат қилишига ишончим комил. Биз инсон капиталини ривожлантириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳиятга эгамиз. Тажриба алмашиш, қўшма таълим, илмий ва маданий лойиҳалар, ёшлар таълим-тарбияси бўйича истиқболли дастурларни амалга ошириш Туркий кенгашнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоғи даркор.

Дунёда глобаллашув, беқарорлик ва қарама-қаршилик кучайиб бораётган шароитда айнан яқин ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик барқарор ривожланиш ва тараққиётга эришиш, тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Фикримча, терроризм, экстремизм, уюшган жиноatchилик, наркотрафик, одам ва қурол савдосига қарши курашиш бўйича Туркий кенгаш мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари саъй-ҳаракатини мувофиқлашти-

риш туркий тилли давлатлар кўп қиррали ҳамкорлигининг асосий жиҳатларидан бирига айланмоғи даркор.

Бугунги кунда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши янги, янада жадал ва масъулиятли тараққиёт босқичига қадам қўймоқда. Бу қардош мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги изчил ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустақамлашни талаб этади.

Туркий тилли давлатларнинг сиёсий иродаси, очиқ ва конструктив сиёсати, давлатлар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари туфайли минтақада ўзаро ишонч муҳити юзага келмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам фаол иштирок этмоқда.

Туркий халқларнинг буюк намоёнаси, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов мамлакатимизнинг тарихдаги роли ҳақида гапирар экан, «Византия славян давлатлари тақдирида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбек халқи туркий тилли мамлакатлар тақдирида худди шундай роль ўйнаган», деб таъкидлаган эди.

Бугун ҳам тарихий тараққиётнинг янги ва ани дамда мураккаб босқичида Ўзбекистон Республикаси туркий тилли давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустақамлаш ва кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшишга тайёр.

Туркий тилли давлатлар халқларини Туркий кенгашнинг 10 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этиб, уларга тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
«Hurriyet Daily» газетаси (Туркия),
2019 йил 15 октябрь

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллиги олдида

Абдулла Қаҳҳор ён дафтарида мана бундай мазмундаги ёзув бўлган: "Гуржистонда, агар тарихга дахлдор бўлса, отнинг эски тақасини ҳам баҳмалга ўраб музейга осиб қўйишар экан..."

Қаминага ҳам шўро замонида мана шу юртга бориш насиб этган эди. Бизда — Ўзбекистонда кўчаю гузарда, мактабу кутубхонада, клуб ва ҳаммомгача — ҳамма ерда қандай қизил матоларга, тахталарга "иккинчи" тилда шиор ва қақриқлар битилган бир пайтда Гуржистоннинг пойтахти Тбилисидан тортиб кичкинагина кенти Руставигача — барча жойда гуржиларнинг ўз тили ва ёзуви амал қиларди. Кўчадаги одамлардан бирор манзилни бояги "иккинчи" тилда сўрасангиз, беш қадам наридаги жойни кўрсатиб юбориш у ёқда турсин, ҳатто "билмайман" деган сўзни ҳам сиз сўраган тилда айтмай, бошини сарак-сарак қилганча ўтиб кетар эди бу халқ вакиллари. Агар ўша сўроқни уларнинг она тилида, майли, қўйилса, тугилиб бўлса-да, берсангиз, бирдан юзи ёришиб, ҳамма ишини бир ёнга қўйиб, қўлингиздан тутганча манзил томон бошлаб борарди. Кинотеатрлари, театр ва музейларидаги эълонлар ҳам гуржи тилида, катта-катта ёрқин ҳарфларда битилиб, пастида сарғиш ёхуд қулранда, майда ҳарфларда "иккинчи" тилдаги ёзув бўлар эди.

Умид ниятга, ният аҳдга, аҳд ҳаракатга айлансин

Холбуки, бу республика ҳам шўровий иттифоқ таркибиде бўлиб, унинг мафқуравий зуғуми гуржиларни ҳам четлаб ўтмаганди. Шунга қарамай, халқ халқлигича, миллат миллатлигича қўлишга уринардик, бу интилиш, юқорида айтганимиз кўчада ҳам, идорада ҳам сезиларди. Шота Руставели миллатдошлари қалбидаги ўзликни англаш ва асраш хиссининг қудратини сезган Шавкат Раҳмон ўз юртидаги ахволдан озурда бўлиб, "Гуржистон мозаикаси" номли шеърини не маломатлар айтганини англашимиз ҳамон долзарблигича қолмоқда...
Зеро, у ёхуд бу миллатнинг тили "отнинг эски тақаси" эмас. Қолаверса, у баҳмалга ўраб музейга осиб қўйиладиган ўлик матоҳ ҳам эмас. Миллат яшамоғи учун тил яшати, мунтазам ҳаракатда, муомалада бўлмоғи шарт. Ўз тилида фикрлайдиган миллатнинг тафаккури қанчалар чарханса, иродаси метинлашса, ўзгалар тилида сўзловчи ва фикрловчи кимсалар руҳияти миллат руҳониятидан шунчалар бегоналашиб, ётлашиб боради.
Бугунги дунё миллий тиллари ўртасидаги рақобат, таъсир доираси

учун кураш моддий товарлар бозоридеги рақобат ва курашдан асло кам эмас. Чунки у ёхуд бу халқни ўзига қарам қилмоқ учун ўша халқ яшаётган жуғрофий маконни босиб олиш, одамлар қўлига кишан солиш асло шарт эмас. Ўша миллатлар қалбини, руҳини дурагайлаштириш, кўнглида айнишни ҳосил қилишнинг ўзи уларни ҳар жиҳатдан бўйсундирмоқ учун етарли шарт-шароит ҳисобланади. Қалбни, руҳни ўзгартиришнинг, кўнглидаги оғишни вужудга келтиришнинг биринчи усули эса миллий тилга эътиборни сусайтириш, унинг қўлланиш доирасини чеклаш, давлат ва жамият бошқарувида, расмий ҳужжат ва йиғинлардан бу тилни сиқиб чиқаришдир. Уни чойхона-ю майхона миқёсига тушириш, хотинларнинг "гап"лари доирасига қамаш, бозор ва мазордагина ишлатиш билан чекланиш, аслида, ўша тил эгаларининг миллат сифатидаги таназулидан, миллий қиёфасизлашуви ҳамда ўзига бўлган ишонч ва ҳурмати соб бўлиб бораётганидан аққол дарақдир.
Дунёдаги ҳамма нарсанга глобаллашув нусхи ураётган бугунги кунда миллий тиллар яна бир оғир синов-



дан, тақдир тегирмонининг зил-замбил тоши остидан ўтишига тўғри келмоқда. Орадан ўттиз-қирқ йил кечиб, бу тилларнинг қанчаси ва қай ҳолда сақланиб қолганидан фол очиниши манаман деган башоратчи ҳам бўйнига олмас керак.
Шундай экан, она тилимизнинг тақдирини эртага нима бўлиши бугун биз қиладиган амалий ишларга чамбарчас боғлиқлигини халқнинг қанчалик катта қисми англаши жуда кўп

нарсани ҳал қилади. Минг афсуслар бўлсинки, мана шу англовнинг қўламини, даражаси, миқёси одамни жиддий ташвишга солади, руҳиятингда эзгин қайфиятни кўзгайдди.

Устувор ҳуқуқий мақом олганига ўттиз йил бўлган давлат тилининг аини давлатда қўлланиш амалиётида қузатилган нотекис ҳолатлар, қонун қабул қилинган палларда ва истиқлолнинг дастлабки йилларида эришилган ижобий натижаларнинг йилдан-йилга қўлдан бой берилиши, ожизгина фикрини ҳам на ўзбек тилида ва на ажнабий тилда эглаб ифода эта оладиган кишиларнинг ўз фожиасини англамай бемалол умргузаронлик қилиши сингари ҳоллар ўша англовнинг чинакам даражасидан дарак беради.

XX асрнинг таниқли файласуфи Эрих Фромм "Инсон қалби" номли китобиде ўша қалб хусусида "Сени фақат ҳақиқатгина халос эта олади" деб ёзганди. Агар биз фикр юритилаётган соҳадаги ташвишли ахволдан қўтилишни ростдан ҳам хоҳласак, мавжуд реалликка — ҳақиқатнинг юзига тик қарашимиз, уни тўла тан олмоғимиз, бундан кейинги амалларимизни ана шу аччиқ ҳақиқатдан келиб чиқиб режалаштирмоғимиз талаб этилади. Чала-ярим ишлар билан, даъват ва насиҳат билан, танқидбозлигу тадбирбозлик билан бирор муаммо ҳал бўлиб қолмаган, ҳал

давлат олдиға қўяётганиға амин бўламиз. Бунга қарорнинг муқаддима қисмидаги, жумладан, "Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустақамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олиб" деган муҳим ўринлар мисол бўла олади. Ахир, миллий мустақилликни тил мустақиллигисиз, дил истиқлолисиз, ирода эркинлигисиз тасаввур этиб бўладими?

Гап "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинганидан буён биринчи мартаба ушбу санаға бағишлаб алоҳида қарор қабул қилинганидегиға эмас, балки, ҳамма гап мазкур қарорда ва унинг иловасидан ўрин олган маънавий-маърифий чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган ишлар ёрдамида жафоқаш тилимиз мавқеини ўзига ярашиқли даражаға қўтаришға, "дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили"нинг бирор-бир қисми томонидан камситилишиға йўл қўймасликдек, унинг тинимсиз такомиллашиб, сайқаланиб боришидан ўзини шу юрт, шу Ватан фарзанди ҳисоблайдиган миллионларнинг бирдек манфаатдор бўлишиға эришишдек эзгу ва қатъи мақсадлар қўзланаётганида!

Ана шу маънода Президентимизнинг бу қарорини фақат байрам тадбирларини ўтказишға бағишланган ҳужжат, деб ўйласак ва унинг ёросига шу нуқтаи назардангина ёндашсак, бизнингча, жиддий хатоға йўл қўйган бўламиз. Зеро, Давлат тилиға бағишланган катта-кичик тадбирларда саҳна марказиға "ўйинбон" қўшиқ ва киши имонини ўғирлайдиган рақслар эмас, балки бедор фикр ва чуқур тафаккур, теран ўй ва кенг мушоҳада, аниқ ҳамда асосли тақлифлар, чикмоғи бугун сув ва ҳаводек зарур. Чунки миллий тил равнақи борасида ана шу миллат вакиллари жон қуйдирмас, унинг обрўси ва эртанги кун тақдирини хусусида бугун жиддий ўйға толмаса, бунинг учун эса давлат тилининг ҳуқуқий мақоми ўз жойиға қўйилмаса, қилинган барча ҳаракатлар зое кетиши ҳеч гап эмас.

Мамлакатда давлат тилиға амал қилиниши борасида йиғилиб қолган муаммолар эса тўлиб-тошиб ётибди. Беистисно барча ҳудудларда кўзга чўпдек тикўладиган рекламалар ахвол, фирма ва корхоналар, майда-чўй-да дўконлардан тортиб супер ва гипермаркетларға, тўйхона-ю таомхоналарға тапланаётган ажнабий ном-

лар, идоралараро муносабат ва алоқа ҳужжатлари, ҳатто ўзбекнинг қорақўз болалари қўлоғиға азон айтиб(!) қўйилаётган исмларғача бу муаммоларнинг тобора кўпайиб боришиға "ҳолис хизмат қилаётгани" ҳеч қимға сир эмас. (Ҳамма билиб, қўриб турган бу нарсалардан мисоллар келтириш орқали "қахрамонлик" қилиш вақти аллақачон ўтганини, бу йўл билан муаммолар илдизини қуриштиб бўлмаслигини тан олиш ҳам юқорида айтганимиз — ҳақиқатнинг юзига тик боқиб ҳисобланади! Р.Қ.)

Таъкидланганидек, давлат ва жамият бошқарувида, илм-фан ва таълимда, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатишда, керак бўлса, хориж мамлакатлари билан ўзаро алоқаларда ҳам давлат тилининг фаол қўлланилишиға эришмасдан туриб, унинг мавқеи ва обрўсини юксалтиришға умид қилиб бўлмайди. Зеро, тилининг мавқеи ва обрўси ўз-ўзидан, фақат яхши ният-у пуч умидлар билан ҳосил бўлиб қоладиган натижа эмас. Миллий тил қанча фаол, мунтазам ва кенг миқёсларда қўлланса, миллат вакилларининг тафаккури ҳам шунча фаоллашади, фикр уфқлари кенгайди. Фаол тафаккур, уфқлари кенг фикр, теран мушоҳаза эса фан ва техника ривожининг ҳам, сиёсий ирода кучининг ҳам, маданий ва маърифий такомилнинг ҳам ажралмас шартидир. Ана шундай миллатниғина бошқа миллатлар танийди, тан олади, ҳурматға ва эъзозға лойиқ санайди. Дурағай қайфият, дурағай руҳият, дурағай тил ва тафаккур билан бирор халқнинг халқ бўлиб қолганини ҳозирча инсоният тарихи билмайди.

... Умид қилиб чарчамайдиган халқимизда "Хали ҳам кеч эмас" деган гап бор. Бу масала — ўттиз йилдан буён давлат тили номида бўлган она тилимизнинг мавқеи ва обрўсини ўзига ярашиқли мақомларда қўриш умиди ушалишиға ҳам, илоҳо, кеч бўлмаган бўлсин. Бунинг учун эса Сиз билан биздан умидни ниятға, ниятни аҳдға, аҳдни эса қатъиятли ҳаракатға айлантириш талаб этилади. Бизнингча, мамлакатимиз раҳбари эълон қилган "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги шу йилнинг 4 октябрида имзолаган қарори халқимизға шу ҳуқуқини, шу шижоат ва қатъиятнинг қайта тақдим этиши билан ҳам қимматлидир.

Раҳмон ҚўЧҚОРОВ,
Тошкент давлат юридик университети доценти,
филология фанлари номзоди.

Халқаро ҳамкорлик

Аслида инсон учун кўп нарса керак эмас: Дунё тинч, юртинг, оиланг фаровон, танинг соғ бўлса, бас. Инсоннинг куч-қудрати, саодати, қувонч-шодлиги замирида ана шундай омиллар мужассам ва улари миллати, ирқи, касби-коридан қатъи назар, ер юзидаги барча одамларнинг орзу-тилагига. Бу орзу-тилакнинг амалга ошиши ҳам ўзимизга, эзгу ниятлар билан яшаётган инсонларга боғлиқ.

Йўлларни туташтирган орзулар

Умумхитой Журналистлар Ассоциациясидан шу йилнинг 27 сентябрь — 2 октябрь кунлари Пекин шаҳрида "Бир макон, бир йўл — 2019" лойиҳаси доирасида ўтадиган Халқаро журналистлар форуми ва Хитой Халқ Республикасининг 70 йиллигига бағишланган тантаналарга таклифнома олганимда хаёлимдан даставвал ана шу йўллар ўтди.



Суратда: Умумхитой журналистлари ассоциацияси президенти Чжан Янпун (chapдан), Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув чоғида.

Хитой Халқ Республикасида аввал ҳам бўлганман, Буюк хитой девори бўйлаб сайр қилганман, чин мамлакатининг тарихи, маданияти, бугун бутун дунёни лол қолдираётган ютуқлари билан танишганман. Бироқ бу таклиф мен учун жуда муҳим эди.

Авалло, Пекинда ўтадиган халқаро журналистлар форумининг ўзи халқаро медиаоламининг энг йирик воқеаларидан. Журналистика соҳасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади. Қолаверса, Умумхитой Журналистлар ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятимиз ҳам бўлиб, бу борада келишиб олишимиз лозим. Яна Хитой Халқ Республикасининг 70 йиллиги тантаналари. Дўст мамлакатнинг кутлуг айёмида иштирок этиш, уларнинг қувончига шерик бўлишимиз ҳам шукхи бор.

Байрам руҳи Пекин халқаро аэропортидаёқ сезилиб турарди. Дунёнинг энг йирик пойтахтларидан бўлган бу шаҳар уч минг йиллик тарихга эга. Биласиз, у ўзининг замонавий осмонўпар бинолари билангина эмас, қадимий меъморий обидалари билан ҳам шухрат таратган. Умуман, бу шаҳарда барча даврлар меъморий услублари ўз ўрнини топган. Бугунги кун нафаси ва олис тарих садолари бир-бирига шу қадар уйғунлашиб кетганки, уларни бир-бир

ридан айро тасаввур қила олмайсиз.

Байрамона либос кийган Пекин кўчаларидан машинамиз ёзиллаб кетаркан, бундан икки йил аввалги таширидан кейин шаҳарда қандай ўзгаришлар бўлганини кузатиб бордим. Тўғриси, байрам шукҳидан ўзга янгилик сезмадим. Салобатли Пекинга асан-тусан ярашиб турарди. Янгилик ва ҳаяжонлар эса олдидан эди.

28 сентябрь куни эрта билан "Dustlik" меҳмонхонаси залида биз кутган медиа анжуман — халқаро журналистлар форуми ўз ишини бошлади.

Форум Хитой томони илгари сурган ва глобал иқтисодий ривожланиш белбоғи сифатида Евроосий мамлакатларини бири-бири билан боғлаши мақсад қилинган "Бир макон — бир йўл" лойиҳаси доирасида ташкил қилинган бўлиб, "Мамлакатлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кучайтириш масалалари"га бағишланди. Форумда Осие, Европа ва Лотин Америкасидаги 50 га яқин давлатлардан Журналистлар уюшмалари раҳбарлари иштирок этди.

Форум журналистлар ташкилотларининг ҳамкорлиги платформаси низомини қабул қилди. Унда асосий эътибор журналистларнинг ахборот маилки ходимлари сифатида бутун дунёда тинчлик барқарор бўлишидаги ўрни ва хизматига қаратилди. Бу жараёнда ҳолислик ва ҳаққонийлик бош мезон бўлиши зарур. Дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида журналист айтган сўз воқеаларнинг омма томонидан қабул қилинишига катта таъсир кўрсатади. Глобаллашув кучайиб бораётган ҳозирги жараёнда оммавий ахборот воситалари, жумладан, журналистларнинг ақин ҳамкорлиги, касбий биро-дарлиги, ҳолислиги янада муҳим аҳамият касб этмоқда, башарият олдидаги масъулияти тобора кўсалиб бормоқда.

Тадбирда Платформанинг мақсад-вазифалари, унинг ташкилий органлари таништирилди. Хусусан, "Бир макон — бир йўл" лойиҳаси доирасида журналистик ташкилотлар ҳамкорлиги платформаси Президиуми раиси, Буэнос-Айрес Журналистлар уюшмаси президенти Лидия Ирма Фагелъ экани ҳам унинг қанчалик кенг қамровли экани

дан далолат беради. Хуллас, платформа барча иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланди, унинг янада мукамал бўлиши учун таклиф-тавсиялар берилди. Мен ҳам сўз олиб, мамлакатимизда айна шу мақсадларда амалга оширилаётган ислохотлар — ОАВни янада демократлаштириш борасида сўнги уч йилда амалга оширилган янгиликлар жараёни ҳақида гапириб бердим.

Форумнинг яна бир воқеаси Умумхитой журналистлар ассоциацияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзолангани бўлди. Келишув хар икки томон иштирокида ишлаб чиқилган, мамлакатларимиз оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, медиа турлар, медиа экспертлар ва мухтаassisлар иштирокида тренинглари, ОАВ соҳасидаги муҳим ва долзарб масалалар бўйича ахборий сафарлар ташкил этиш каби тадбирлар кўзда тутилган.

Келинг, шу ўринда Умумхитой журналистлар ассоциацияси ҳақида бироқ маълумот берай. Умумхитой журналистлари ассоциацияси 1957 йили Пекинда ташкил топган. У ўзининг Миллий консуллигига эга бўлиб, хар беш йилда бир марта сайланади. Ассоциация таркибиди 217 та аъзо ташкилот бор, уларнинг 156 таси давлат тасарруфидида медиа-ташкилотлар, 29

таси миллий янгиликлар тайёрлаш тузилмалари, 32 таси эса ҳудудлардаги журналистик ташкилотлардир. Умумхитой журналистлари ассоциацияси 1 миллиондан ортқ журналистни бирлаштирган, шунингдек, дунёнинг кўплаб давлатлари журналистик ташкилотлари билан алоқа ўрнатган ҳамда ҳамкорлик тўғрисида шартномалар имзолаган.

Форум иштирокчилари учун турли қизиқарли тадбирлар таклиф этилди. Хусусан, Хитой Халқ Республикаси ташкил топганлигининг 70 йиллиги тантаналарини ёритишга қаратилган медиа марказ фаолияти билан танишув борчада катта қизиқиш уйғотди.

1 октябрь куни кенг нишонланган Хитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 70 йиллиги тантаналари ўзининг улғуворлиги, ранг-баранг тадбирлари билан, табиий, унутилмас бўлди. Унда Хитойнинг пайдо бўлиши, унинг дунёнинг буюк ва қудратли мамлакатларидан бирига айланиши, салоҳияти ва иқтидори ўзининг кенг аксини топди.

Шундай қилиб таассуротларга бой сафаримиз ҳам охирабди. Унинг давомида кўрган-кечирганларим, турли мамлакатлар журналистик ташкилотлари вакиллари билан мулоқотлар, Ўзбекистон ва Хитой журналистлар уюшмалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув эса миллий медиамуҳитда янги босқич бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, Буюк ипак йўли буюк маданият йўлидир:

Конфуций ва Навоий

Доноларнинг дил изҳори хос келур, Айтганлари бир-бирига мос келур.

Конфуций — бу ўша Конг Чю, Конг Фу Зи, Навоийдек элга манзур ҳар сўзи.

Конфуций дер: "Неки маҳбуб, эр киши, Бошқага ҳам раво кўрай, дер киши".

Ўзгарса ҳам давру даврон ҳавоси, Боқий эрур Навоийнинг навоси:

"Халойиққа кўрма қилиб бенаво, Ўзингга раво кўрмагани раво".

Буюк Ипак йўли ўтган ҳар макон Буюк Ҳикмат йўли бўлиб қучди шон.

Шу йўлдадир мангу йўлчи — қуёш, ой, Зиёсидан қалблар чаман, эллар бой.

Мамлакатлар бир-бирига бермиш қўл: Битта осмон, бир макону битта йўл!

Саъдулла ҲАКИМОВ,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.

Таҳлил

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Оммавий ахборот воситалари бўйича Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ОАВ бўйича жамоатчилик кенгаши йиғилиши

Кенгаш раиси Хуршид Дўстмуҳаммад раҳбарлигида ўтган йиғилишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятидаги бугунги аҳвол, ютуқ ва камчиликлар, журналистларнинг ҳуқуқий маданияти, бурч ва масъулияти масалалари ҳақида сўз борди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда сўз эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг ҳолиси ва ҳаққоний фаолияти олиб бориши учун зарур бўлган ҳуқуқий-ташкилий асослар яратилган. Хусусан, кейинги йилларда медиасоҳада амалга оширилаётган ислохотлар миллий журналистикада сезиларли ўзгаришларга, очик-ошкоралик, танқидий-таҳлилий руҳ кучайишига олиб келди.

ОАВда нафақат эришилаётган ютуқлар, балки ҳақиқат ҳаётининг оғриқли нукталари ўз аксини топган материаллар кўпайди ва уларнинг аксарияти ўз ижобий самарасини бермоқда.

Шу билан бирга оммавий ахборот воситалари фаолиятини кузатиш давомида бир қатор муаммолар ҳам кўзга ташланадики, уларни ҳал этиш биринчи навбатда соҳа ходимлари, журналистларнинг ўзларига, уларнинг ўз устидида ишлашлари, амалий билим-қўникмаларини оширишлари, интилий ва изланишларига боғлиқ.

Жумладан, мамлакатда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга журналистлар муносабати, уларни ёритишда мавзу ва объектни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш маданияти, ахборотларнинг ҳаққоний ва ишончилигини текшириш, ижтимоий тармоқларда шов-шувларга эътиборнинг кучайиши, журналистик ва блогерликнинг ўзига хос хусусиятлари, касбий этика меъёрлари билан боғлиқ масалалар соҳада долзарблик касб этмоқда.

Кенгаш аъзоларининг фикрича, журналистларнинг билим-қўникмалари, ҳуқуқий саводхонлигини

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасида давлат ташрифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш учун мустақкам замин яратди.

Ўзбекистон — Корея: Журналистика соҳасида ҳамкорлик ривожланмоқда

Бу жараён 2019 йилнинг 25 март куни Сеул шаҳрида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан Корея журналистлар ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишувнинг имзоланишига ҳам туртки берди. Маълуминики, ана шу Келишув битмига мувофиқ ташриф буорган корейлик журналистлар жорий йилнинг 8-14 октябрь кунлари юртимизда бўлди.

Меҳмонларнинг мамлакатимизга ташрифи пойтахтимизда фаолият олиб бораётган Корейс маданияти маркази, "Корё Синмун" газетаси таҳририяти, Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманидаги "Хван Ман Гым" музейи фаолияти, шарт-шароитлари билан танишувдан бошланди.

Уларга Корейс маданияти маркази раиси Виктор Пак Ўзбекистонда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошичилигида турли миллат ва элат вакилларида курсатилётган алоҳида эътибор ва ғамхўрлик, мамлакатимизда истиқомат қилаётган корейс миллатига мансуб фуқаролар билан ишлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни, турли соҳалардаги фаолияти ҳақида сўзлаб берди.

— Ўзбекистонлик журналистлар билан танишиш, дўстлашиш, суҳбатлашиш, тажриба алмашиш ёқимли ва шукҳиматли иш — ҳаётдаги энг муҳим янгилик ва ҳодисалардан воқиф этишдек эзгу ишни бажаради. Шунинг учун ҳам улар (қайси юртдан бўлмасин) бир-бири билан уррашганида қандайдир яқинлиқни ҳис қилади. Эътиборли жиҳати, бу кўзга кўринмас ришта миллатларни, давлатларни бир-бирига боғлаша, соҳалар ривожига хизмат қилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан Корея журналистлари ассоциацияси ўртасида тузилган ҳамкорлик келишуви ҳам шу эзгу мақсадга қаратилганига шубҳа йўқ. — Юртимизга, таҳририятимизга корейлик ҳамкасбларимиз келганидан хурсандим, — дейди "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари бош муҳаррири ўринбосари Жамолддин

Тўхташев. — Иш жараёнларимиз билан яқиндан танишган меҳмонлар билан учрашув қизғин мулоқотга айланди. Ўз кўзимиз билан кўрган бу каби бунёдкорлик ишлари пойтахтинизга янада кўрк бағишлайди, муҳими, аҳолига қулайлик яратади.

Корейликлар таширининг иккинчи куни ҳам мулоқотларга бой, хар жиҳатдан мазмунли ўтди. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти, УэМТРК медиа маркази, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетиди ўтказилган учрашувларда журналистлар корейлик ҳамкасблари билан тажриба алмашиш, дилдан суҳбатлашиш, "Мастер-класс"ларда иштирок этиш имкониятларига эга бўлдилар.

— Ўзбекистонлик журналистлар билан танишиш, дўстлашиш, суҳбатлашиш, тажриба алмашиш ёқимли ва шукҳиматли иш — ҳаётдаги энг муҳим янгилик ва ҳодисалардан воқиф этишдек эзгу ишни бажаради. Шунинг учун ҳам улар (қайси юртдан бўлмасин) бир-бири билан уррашганида қандайдир яқинлиқни ҳис қилади. Эътиборли жиҳати, бу кўзга кўринмас ришта миллатларни, давлатларни бир-бирига боғлаша, соҳалар ривожига хизмат қилади.

эмасми, улар кўрсатувларни тайёрлаш жараёнлари, техникларнинг иш услублари билан қизиқди.

— Жамият ҳаётда, медиа маконда телевидениенинг ўрни ва роли катта, — дейди корейлик машҳур тележурналист Ким Сунг Хван. — Шу боис бутун дунёда ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди, маблаг йўналтирилади. Бу борада Хоразмда телевидение соҳаси ходимлари учун яратилган шароит ва имкониятлар таҳсинга лойиқ, Вилоят телерадиокомпанияси ижодкорлари билан мулоқотимиз самийи кечди. Уларнинг қизиқишлари ва ўзаро мулоқот мавзуйидан шунинг англадимки, соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ниҳоятда кенг ва хар иккала томон учун ҳам манфаатлидир.

Вилоят телерадиокомпаниясида икки мамлакат журналистлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати қизгин мулоқот, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Икки давлат журналистлари анжумани бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас аслида. Суҳбат давомида ўзаро ижодий ҳамкорликнинг бардавомлигини таъминлаш, энг илгор тажрибалар билан доимо ўртоқлашиб туриш, он-лайн алоқа имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича сўз юритилди.

Шундан сўнг меҳмонлар Урганч шаҳридаги "Дўстлик уйи"да бўлди. — Ўзбекистон Кореяга нисбатан кўпмиллатли мамлакат, — дейди Корея журналистлари ассоциацияси ижодий директори ўринбосари Ким Донг Ки. — Тошкент ва Хоразмда бўлиб бунга гувоҳ бўлиб турибман. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг тинч ва дўстона ҳаётига ҳавас қилса арзийди.

Икки кун давомида Хоразмда бўлган меҳмонлар Хивадаги "Ичан қалъа" мажмуи, шаҳардаги музей, масжид ва ёдгорликларни зиёрат қилиб, улар билан боғлиқ қimmatли маълумотларга эга бўлдилар.

— Хивадаги обидалар бизни беҳад мафтун этди, — дейди биз билан суҳбатда "Hokook ilbo" филиали президенти Ким Суи Ван. — Шарқнинг ўзига хос бетакрор аъналарини ўзида мужассам этган "Ичан қалъа" билан хар қанча фахрлансангиз арзийди. Уйлашимча, бундай тарихий манзиллар камдан-кам давлатда учрайди. Албатта, бу ерда олган таассуротларимни Кореяда яқинларим ва ҳамкасбларимга сўзлаб бераман. Корея ОАВлари учун материаллар тайёрлаш учун маълумотлар йиғаяман.

САМАРҚАНДА КОРЕЯ ЖУРНАЛИСТЛАР АССОЦИАЦИЯСИНING ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА МАРКАЗИ ОЧИЛАДИ

Меҳмонлар дастлаб вилоят матбуот уйда "Зарафшон" ва "Самарқандский вестник", "Овози Самарқанд" газеталари таҳририятлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими фаолияти билан танишди.

Зарафшон воҳаси матбуоти тарихи музейи корейлик журналистларда катта қизиқиш уйғотди. — Самарқанд Ўзбекистон журналистиксининг асосий бешикларидан бири бўлгани жуда эътиборли, — дейди Корея Журналистлар ассоциацияси президенти Жунг Кю Сун. — Чунки Самарқанд Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашгани билан тарихий аҳамиятга эга. Албатта, бундай мас-

қанда матбуотнинг ташкил этилиши ва ривожланиши табиий. Мамлакатларимиз географик жиҳатдан бир-бириндан узок, лекин кўнгли яқин, тинчлик ва тараққиёт йўлида мақсади муштарак давлатлардир. Самарқанддаги "Афросиёб" музейида сақланаётган деворий суратларда VII аср ўрталарида Самарқанд хўкмдорининг қадимий Корея — Чосон элчисини қабул қилиш маросими акс эттирилгани ўзаро бордини келдилар узок йиллик тарихга эга эканини англатади.

Учрашув чоғида келгусида бу ерда Корея журналистлар ассоциациясининг халқаро журналистика маркази фаолиятини ҳам йўлга қўйиш борасида фикр алмашилди.

Вилоятга ташриф доирасида корейликлар "Амир Темур" мажмуаси, Регистон майдони, "Афросиёб" музейи ва Самарқанддаги бошқа бир қатор тарихий-маданий ёдгорликларини ҳам томоша қилди. Улар "Конилик мероси" қоғоз ишлаб чиқариш оилавий корхонасида ҳам бўлиб, қоғоз тайёрлаш жараёнларини ўз кўзи билан кўрди.

Тошкентга қайтиб келган меҳмонлар — корейлик журналистлар делегацияси аъзолари билан бўлиб ўтган мулоқотда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳақимов уларга Уюшма фаолияти, давлатимиз раҳбари томонидан миллий журналистикамизни янада ривожлантириш, сўз ва матбуот эркинлигини қўллаб-қувватлаш борасида курсатилган эътибор хусусида сўзлаб берди.

Холмурод САЛИМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари.



Ҳақимов Ю.САЛИМОВ фотоси.

► Нуқтаи назар

Бўғотлардаги сумалакларнинг эрий бошлагани қишнинг аёзли кунлари ниҳоясига етиб, баҳор нафаси сезила бошлаганидан далолат берганидек, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга навбатдаги сайлов муносабати билан матбуотда, айниқса, телевидениеда баҳс-мунозара, эркин фикр алмашилиши, ҳаяжонли тортишувлар бошланаётганини ҳам шундай илиқликка қиёслаш мумкин.

Телевидениенинг “Муносабат” кўрсатувида Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган навбатдаги сайловлар муносабати билан сиёсий партиялар фаоллари имкониятидан фойдаланиб, депутатнинг мақоми, асосий вазифаси, бурч ва масъулияти, обрўси, эл-юртада таниқлиги хусусида жиддий тортишув бўлди. Гарчи, томонларнинг бу борадаги нуқтаи назарлари бир-бирга тўла мос келмаган бўлса-да, ошқора баҳслашиш, фикрини тўғри бўлсин, баҳсли бўлсин, эмин-эркин ифода қилишнинг ўзи ижобий ҳол. Ҳақиқат шундай тортишувларда юзага чиқади.

Янги сайлов, янги тафраккур

сиёсий партиялар депутатликка муносиб номзодларни қандай танлайди?

Кўрсатуви томоша қилар эканман, жамият ҳаёти шитоб билан ўзгараётгани, ижтимоий фаоллик ошаётгани, одамлар, айниқса, ёшлар давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига, парламент ҳаёти, қонун ижроси, партия ва депутатлар фаолиятига энди бефарқ эмасликларига амин бўлдим. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни давлат-жамият-шахс муносабатларига доир янги қарашларда, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятда, фикр эркинлигини ҳис этиш масъулиятида кўриш мумкин.

Улуғ мутафаккирлар дунёқараши шаклланиб бўлган инсонни ўзгартириш ғоят мушкуллигини кўп бор таъкидлаганлар. Шундай бўлса-да, кейинги уч йил ичида бу борада ижобий силжиш юз бераётганини сезиш қийин эмас. Собиқ тузумдан қолган ҳадик ва кўрқув ўрнини журъат, қатъият, ишонч эгалламоқда. Бу — ғоят жиддий, ҳал қилувчи, миллат ва мамлакат тақдирига бевосита боғлиқ натижа. Буни эътироф этмоқ зарур. Шу билан бирга, турли нуқтаи назарлар “жанг”гида бир неча ҳақиқат юзага кўриниб қолди. Чикдики, бунга тўхталмаслик мумкин эмас.

Биринчиси. Жамият аъзоларининг маълум қисмида (баъзи қатламларда кўпроқ ҳам) сиёсий партия ҳақидаги тушунча собиқ тузум пайтида қандай бўлса, деярли шундайлигича қолган. Иккинчиси, кўпчиликнинг тасаввурига, депутат бугун ҳам уй-жой, ичимлик суви, йўл қурилиши, электр энергияси таъминотидаги муаммоларни ҳал қиладиган, ташкилотма-ташкилот елиб югурадиган, набираларни боғчага, нуфузли мактабга бир кўнгирак билан жойлаштирадиган беминнат дастёр. Шу каби ғовлаб ётган ишларни қўйиллатиб бажарса — зўр, бажармайдигани депутатликка тасодифан келиб қолган ношуд.

Собиқ тузумдан қолган бу матоҳ, тасаввур ўтмиш йилларнинг аниқ ҳаётий воқелиги асосида шакллангани боис, ижтимоий қарашларимизга ниҳоятда чуқур сингиб кетган. Шўролар замонида бугунгидек, қонунчилик билан шуғулланиш, қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш асосида такомиллаштириш депутатнинг ҳаёлига ҳам келмаган, тушига кирмаган. Унинг асосий иши сайловчиларнинг маиший “наказ”ларини бажариш бўлган, холос. Йўлини топиб, қўчани асфальтлаб, мактаб томини янгиллаб берса бўлди, отасига раҳмат дейишган.

Бу хусусда ғоят кулли латифаларни ҳам ортада қолдирадиган, аммо сайловлар пайти аниқ содир бўлган ажаб-товур воқеаларнинг сон-саногини йўқ Чингиз Айтматовнинг Мухтор Шохонов билан сўхбатда шундай мисол келтирилди: **депутатликка номзод тадбиркор сайловчилар билан учрашиб, ўзига овоз беришлари учун ҳар бири кимга чиройли тиклган туфли совға қилади, аммо... бир пойини бериб, иккинчи пойини ўзида қолдиради. “Сайловда ютиб чиқсам, иккинчи пойини ҳам оласизлар”, дейди.** Бундай хотамтоилигича қарамай, мақсадида эриша олмайдиган ва туфлиларнинг бир пойини ўзи билан бирга олиб жуфтани ростилади.

Узим гувоҳ бўлганим: ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошидаги сайловлардан биринчи тадбиркор номзод қишлоқнинг ўйдим-чуқур йўлларини асфальтлаб бераман деб, кўчаларга шағал, кум ётқизди. Аммо... сайловда омади келмади. Жаҳл устида асфальтлаш учун текислаб қўйилган шағални сурдириб, қўчани баттар агбор қилдию кетди. Унинг рақиби икки-уч маҳаллага водопровод суви олиб келиб, ғалаба нашидасини сурди.

Уша йиллари номзодлар ҳақида гап кетганда, кимдир “Бу йигит ўқимини, кизил дипломи, қонунчилик бўйича мутахассис экан, шунга овоз берасан бўлади”, деса, кўпчилик: “Э, қонун билан шуғулланадиган давлат бор, олимлар бор, нима қилади сиёсатга аралашиб, ундан кўра ариғимизни тозалатиб берсин, томидан чакка ўтадиганларга шифер тарқатсин, омухта ем олиб келсин” дейишарди. Замона шундай эди. Сайловчиларга ялтироқ қалиш тарқатиб овоз олган, анча вақт ичи

раккаб ижтимоий жараёнлар, сиёсий партиялар, тузилмалар, блоклар ўртасидаги ғоявий-назарий қурашлар, улардан англашиладиган хулосалардан хабардоримлар? Бешта партия ўртасида соғлом баҳс-мунозара мавжудми? Сайловчи ўзи аёзо бўлган партиянинг, шу билан бирга, муҳолиф партияларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қарашларини биладими, бир-биридан фарқлай оладими?



бўш папкани қўлтиқлаб юрганлар ҳам бўлган. Элнинг дардини тинглайдиган одамнинг, ташкилотнинг ўзи йўқ замонда депутатликка ҳаракат қилаётган одам сайловчи учун наҳот тўйнуғидай туюларди.

Айтишга ййманмайлик: бундай тасаввур яқин-яқингача яшаб келди. “Фалончининг номзоди депутатликка кўрсатилади”, дейишса, дарҳол: “Ким экан, бирор иш қилиб бера оларканми, тепада одами бормикин?” деган саволлар пайдо бўларди. Бундай муносабат замонлари аллақачон ўтиб кетди. Янги жамиятда, янгилаётган мамлакатда, янги ижтимоий-маънавий реалликда яшамоқдамиз. Сиёсий саводхонлик, дунёни англаш, фаоллик, ташаббускорлик, миллат ва мамлакат тақдирига дахлдорлик, эркин фикр — мана бугунги куннинг муҳим сиёсий атрибутлари.

Бугунги парламент аввалги кўрқув савлатли “олий совет” эмас, истиқлол йиллари халқ иродаси, миллий тараққиёт эҳтиёжи, озод фикр ривожини билан шаклланаётган, оғир синовлардан ўтган, жаҳоний андозаларга мос демократик минбар. Унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни бутунлай ўзгарди, партия яққоқимлиги тугатилди. Парламент мажлиси телевидение орқали он-лайн тарзда намойиш этилди. Йилги шайларда номдор мулозимларнинг хисоботлари талабчанлик билан тингланмоқда. Парламент ва депутат сўровларига жавоб бериш сиёсий маданият тусини олди. Депутатлардан бири яқинда “Мен бу қонун лойиҳасига қарши овоз бераман”, деди. Собиқ тузум пайтида бундай дейиш ўзи ихтиёри билан жаҳаннамга йўл олишдай гап эди.

Депутат ҳам бугун ўзгача: энди у қонун лойиҳасини тушуна-тушунмаси қўл кўтариб тасдиқлайвермайди. Минбарга чиқиб, фикрини очиқ-ойдин айта олади, баҳслашади, таклиф киритади. Аниқ мисоллар, фактлар, далиллар келтириб, хом лойиҳаларни рад эта олади. Фаол депутатлар бу имкониятдан унумли фойдаланаётганларини кўриб турибмиз. Аммо ҳамма ҳам фаол эмас. Мажлис залда тинчгина, интизом билан, ҳеч нарсага қарши қиймай, “шаккок”лик қилмай мўмин-қобил бўлиб ўтирганлар, телеэкранда икки оғиз гапни қозога қараб айтаётганлар ҳам бор. Бундайлар ҳатто озчиликни ташкил этганда ҳам умумий савияга салбий таъсир кўрсатади. Барча депутатларнинг фаолигига эришиш учун нима қилиш керак?

Бу саволнинг ўзидан бошқа савол келиб чиқади: сиёсий партияларимиз фаолияти мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг бугунги талаблари, сайловчиларнинг он-тушунаси, сиёсий фаоллиги, янгича қарашларига мосми? Дунёда кечаётган му-

қаракатлар парламентидаги фракциялар раҳбарларининг экология, иқлим ўзгариши, қочоқларни қабул қилиш, Евроиттифок тақдирини, ижтимоий ҳимоя, санотни роботлаштириш каби муҳим масалаларга нисбатан муносабатини уларнинг маъруза ва баёнотлари орқали яқин билади. Бизда эса таассуфки, бундай баёнотлар йўқ ёки етарли эмас. Шу боис партияларимиз етакчилари, фракциялар раҳбарлари, фаол депутатларнинг қарашлари, улардаги жиддий ёки нисбатан фарқ хусусидаги билимимиз жуда заиф.

Ғарбда ижтимоий-сиёсий масалалар билан бирга, санот, қишлоқ ҳўжалиги, иқлим муаммолари, инвестиция оқими, пулнинг кадрисизланиши, тиббиёт, озик-овқат ҳафсизлиги каби масалаларни домий равишда ўрганиб, тегишли ташкилотларга ғоят муҳим хулосалар берадиган “ақл марказлари” мавжуд. Бизда бундай марказлар энди-энди тетапо қилмоқда. Жамоатчилик фикрини ўрганиш республика маркази томонидан ўтказиладиган сўровлар натижаларидан ҳам англашиладики, бизда бундай марказлар, шубҳасиз, бўлиши керак. Партияларимиз раҳбарларидан бири аччиқроқ бўлса-да, “Бизда давлатга ўз таъсирини ўткази оладиган партиялар шаклланган эмас”, деган гапни айтиди. Сиёсий партия, токи у ҳокимият учун кураш олиб борар экан, ўзининг “ақл марказлари”ни йўлга қўйиши, воқеалар ривожини аввалдан кўра олиши, фаолиятини шу асосда қуриши мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир партия янги шароитда вояга этаётган ёшларнинг салоҳияти, қизиқишлари, орзу-умидларидан бохабар бўлса, келгусида улар билан ўз сафарларини янада бойитиш имконияти тугилади.

Собиқ тузум ҳамма билан бир хилда фикрлайдиган, йилги шайларда фақат тасдиқловчи овоз берадиган “лаббай”чилар қилиб тарбиялашга уринди, аммо ўзи таназзулга юз тутди. Сиёсий партияларнинг, депутатларнинг қарашларида маълум айричиликлар бўлиши шарт ва табиий. Бундан олдинги қилғили бўлмади. Бу билан бизда фикрлар хилма-хиллиги йўқ демократи эмасман. Бор, баъзи қонун лойиҳалари қизгин муҳокамадан сўнг ҳам қабул қилинмаётгани, қайта-қайта ишланаётгани, айрим депутатлар етарли даражада ишланмаган лойиҳаларга қарши овоз бераётганлари бунга далил. Лекин парламент мажлислари, кўмиталарнинг йилги шайлари, у ердаги аёвсиз тортишувларнинг ҳаммаси ҳам эфирга узатилмайди. Бунинг учун алоҳида телеканал бўлиши керак. Хозирча эса сайловчи бу баҳс-

лар мазмунидан бохабар қолмоқда ва бу унинг парламент, депутатлар хусусидаги тасаввурига салбий таъсир кўрсатаётир.

Ўтган ҳафта “Пойтахт” бизнес марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ташаббуси билан **“Ўзбекистоннинг янгилашган сайлов қонунчилиги — демократик сайлов қонунчилигининг асоси”** мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтгани маълум қилинди. Анжуманда сайлов жараёнини ёритишда ОАВнинг иштироки, журналист этикасига риоя қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинган. “Миллий тикланиш” газетаси вакили ташвиқот пайтида газеталарда эски қолиғга асосан номзоднинг расмий фотосурати ва таржимаи ҳоли эълон қилинади, холос, бу қолипни синдириш керак”, деган фикрни ўртага ташлаган. Тўғри гап. Аммо ҳар галги сайлов арафасида етакчи газетамиз бўлмиш “Халқ сўзи”да сиёсий партияларнинг номзодларига ўз қарашларини эркин ифода этишлари учун тенг имконият берилишини ҳам унутмайлик. Фақат... бу ишлар, авваллари бўлганидек, сайлов яқинлашганда бошланади. Анча-мунча тортишувлар бўлади. Сайловдан кейин-чи? Баҳсга, мунозарага ўрин қолмайдими? Сайлов сабабли муаммоларнинг ҳаммаси ҳам ҳал бўлмайди-ку? Уларни ким, қачон ва муҳими, қаерда муҳокама қилади?

“Муносабат” кўрсатуви иштирокчиларидан бири “Ғарбда ҳар бир сиёсий партиянинг ғоявий-назарий масалалар билан мунтазам шуғулланадиган, жаҳон парламентаризмининг илгор тажрибаларини таҳлил қиладиган, янги шiori даяватларни ўртага ташлайдиган кучли интеллектуал гуруҳи бўлади”, деган фикрни айтди. Чиндан ҳам шундай. Партияларимизга айти шундай кучли илмий гуруҳ етишмайди. Ҳафтада бир марта чоп этиладиган партия нашрлари имконияти бу масъулиятни зиммага олиш даражасида эмас. Уларнинг ўзига ёрдам керак.

Парламентимизга партиялар раҳбарлари, фракцияларнинг етакчилари ва умуман, оддий аъзоларнинг ҳам фикр-мулоҳазалари, раддиялари, нуқтаи назарлари, таклиф ва ташаббусларини ҳолис туриб ёритадиган илмий-амалий журнал етишмайди. Унда жаҳон парламентаризми тажрибаларини мунтазам равишда ёритиб бориш, сайловчиларга эркин сўз бериш, муаммоларни кенг қўламда муҳокама қилиш имконияти юзага келган бўларди. Янада муҳими, сиёсий баҳслар фақат сайловлар арафасида эмас, йил давомида мунтазамлик касб этарди.

Парламентнинг нуфузини белгиладиган яна бир муҳим жиҳат — қабул қилинаётган қонунларнинг барқарорлиги. Қонун деярли бир овоздан қабул қилинса-ю, кейинги сессияларда уларга тинимсиз ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаверса, бу мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар таъсири бўлиши билан бирга, бир маънода қонуннинг мукамал эмаслигидан ҳам далолат беради. Францияда Наполеон Бонапарт пайтида қабул қилинган айрим қарорлар яқин-яқингача ҳеч бир ўзгаришсиз амалда бўлган.

Телекўрсатувда бўлажак сайловларда иштирок этадиган номзодлар масаласи жиддий мунозарага сабаб бўлди. Чиндан ҳам, уларни ким танлайди, ким тавсия этади? Танлов қайси мезонларга асосланади? “Адолат” СДПнинг номзоди билан “Миллий тикланиш” партияси номзодига қўйиладиган талабларда фарқ бўладики ёки йўқми?

Бу саволларга жавоб топиш учун яна “кучли интеллектуал гуруҳ”га қайтамиз. Айни шу гуруҳ футбол мураббийсига ўхшаб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўргатар экан, партиянинг бўлажак фаол аъзолари, ёш лидерлар, депутатликка номзодларни аниқлайди, уларни маънавий жиҳатдан тарбиялаб боради. Депутатлик мўмай даромад манбаи ёки сўзи ҳаммага ўтадиган нуфузли лавозим эмаслигини тушунтиради. Бу ишни партия учун бошқа ҳеч ким қилиб бермайди. Хар ким ўзи захира сини ўзи шакллантириши керак. Бу иш йўлга қўйилса, депутатлик номи билан ўзининг шахсий муаммоларини ҳал қилиб олишни қўзлаганлар сони кескин қамаяди, бинобарин, парламентаризмнинг нуфузи, профессионаллик даражаси ошади.

Бугунги депутат миллий қонунчилик билан шуғулланади. У парламент кўмиталари йилги шайларида, ҳукумат мажлисларидаги муҳокамада ўзи сайланган округ манфаатлари учун куюниш билан чекланиб қолмайди, асосан, умум-миллий манфаатларни ҳимоя қилади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Хошимов сўхбатларидан бирида битта қонун яратиш бешта роман ёзишдан қийин, деган гапни айтган эди. Шундай экан, бу машаққатли ишга астойдил бел боғлаганларни ҳурмат қилишимиз, энг муносибларига овоз беришимиз лозим.

Аҳмадҷон МЕЛИБОЕВ.

► Эътироз

Тўйдан олдин ноғора чалманг!

Мамлакатимизда жорий йил бўладиган сайловларга ҳар бир партия ўзига хос тарзда тайёргарлик кўрмоқда. Кимдир қуруқ гаплар, қаердандир ўғирланган қаҳриқлар билан ниманидир исботлашга уринаётган бир шароитда бошқалар амалий ғоялар, таклифлар, муҳокамалар билан иш тутишни маъқул кўрмоқда.


Шундай шароитда айрим партиялар томонидан сувни кўрмай этик ечиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 24 сентябрь куни “Миллий тикланиш” демократик партияси карнай-сурнай, ноғоралар билан ўзининг Марказий сайлов штабининг тантанали очилиш маросимини ўтказди.

Ҳурматли, “Миллий тикланиш”чилар сайловда иштирок этиш, этмаслигини маълум бўлмасдан туриб, сайлов штабини очиб тўйдан олдин ноғора чалиш эмасми?

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 39-моддасига кўра, “партияни қўллаб-қувватловчи шахсларнинг имзолари сони белгиланган энг кам миқдордан яна оз бўлиб қиқса, мазкур имзо варақалари тўлиғича ҳақиқий эмас деб топилди. Мазкур ҳолатда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига руҳсат бермайди.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу амалиёт Ўзбекистон учун бегона эмас. 2007 йилги Президентлик сайловларида ўша пайтда фаолият юритаётган 5 та партиядан 2 таси, яъни “Фидокорлар” ва “Миллий тикланиш” демократик партиялари (ҳали улар қўшилишга улгурмаган вақтлар) биттадан ўз номзодларини таклиф этадилар, бироқ иккови ҳам ўз номзодларини қўллаб-қувватлаш учун керакли беш физ имзолар тўплай олмагандилар. Гўвоҳи бўлганингиздек, кузатилган бу икки ҳолат ҳам “Миллий тикланиш” номи билан боғлиқ. Наҳот, тарғибот-ташвиқотда турк сиёсатининг элементларини қўчирётган миллий тикланишчилар миллий адабиётимизнинг забардаст сиймоси Абдулла Қодирийнинг “Мозийга қайтиб иш қўриш хайрлик, дейдилар” нақлини уқмаган бўлсалар?!

Қамолдин ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Ёш адолатчилар қаноти фаоли.



Қонун талабларини бузмайлик!

Ўтган ҳафта “Ўзбекистон 24” телеканалда “Адолат” СДП томонидан 2019 йилнинг 29 сентябрь куни Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги “Бешбулоқ” ўйингоҳида ўтказилган “Адолат — ҳар бир инсон учун!” шиори остидаги митинг ҳақидаги ахборот намойиш этилди. Унда “Адолат” СДП вакили Маюлим Абдураҳмонов журналистга интервью берар экан, сайловчиларни партия номзодларига овоз беришга чақирди.

Маълумки, бу йилги сайловлар Марказий сайлов комиссияси томонидан “Янги сайлов, янги Ўзбекистон!” шиори остида ўтиши эълон қилинди. Бунинг маъносини жорий йил илк маротаба сайловлар янги Сайлов Кодекси асосида ўтказиладиганидир. Аммо “Адолат” СДП вакилининг бемаврид қичқирган хўроздек сайловчиларни овоз беришга даъват қилгани “Адолат”чи йигитнинг Сайлов Кодексидан бохабар экинчилигини кўрсатади.

Бу интервьюни кўриб, Сайлов Кодексининг 44-моддасидаги Сайловдаги ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланишини эсладим.

Боз устига хали депутатликка номзодлар эълон қилингани йўқ. “Адолат” СДП вакили одамларни қалғитиб, қонунга хилоф равишда “йўқ номзодлар”га овоз беришга даъват этиши эса халқимизнинг юқоридоғи иборасини эслатади.

Дарвоқе, 20 сентябрь куни “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан ўтказилган Тошкент шаҳридаги “Анхор-Локомотив” боғида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Мухаррам Дадаходжаева ҳам омма олдиға чиқиб, барчани партия номзодларига овоз беришга чақирди.

Агарки, Олий Мажлисида қонунлар “кашф” этаётган депутатларнинг ўзи қонун талабларини бузиб турса, бошқалардан нимани кутиш мумкин?

Икром ХУДАЙБЕРГЕНОВ,
ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» фаоли.

► Қарор ва ижро

Дунёдаги кўплаб давлатларда бўлгани сингари эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш мамлакатимизда ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зона фаолияти кимга ёқмаяпти?..

Президентимизнинг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони кулай инвестиция муҳитини яратишда имконият ва имтиёзлар кўламини кенгайтирди. Шу кунгача мамлакатимизнинг 12 та ҳудудда 21 та эркин иқтисодий зона ташкил қилинди.

Бироқ, айрим идора ва ташкилотларнинг масалага султ ёндашганлиги оқибатида эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи муаммолар пайдо бўлди. Мисол учун, “Ўзтелеком” акциядорлик жамияти томонидан Жиззах эркин иқтисодий зонасида 2016 йилда амалга оширилган лозим бўлган учта йирик лойиҳа бугунги кунга қадар охирига етказилмаган ва бу корхоналар ўз фаолиятларини тўхтатган. Унга кўра, “ZIT телеком” қўшма корхонаси пассив телекоммуникация ва “Broadband Solutions” қўшма корхонаси телекоммуникация ускуналарини ҳамда “Smart Vision” қўшма корхонаси IP ва видео телефонлар ишлаб чиқариши лозим эди.

Маълум бўлишича ушбу корхоналарда айланма маблағ

тўлиқ шакллантирилмаганлиги, хорижий валюта курсининг ошиб кетиши маҳсулот таннархига таъсир кўрсатгани бутловчи қисмларни олиб келишда хорижий ҳамкорлар билан муаммоларни юзага келтирган.



Қизиги шундаки, шунча вақтдан буён ушбу масала бўйича Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вазиятни яхшилаш, ўз тармоғидаги ташкилот масъулиятини ошириш ва лойиҳани кечиктириб бўлса ҳам бажариб бўйича етарлича ташаббус кўрсатмаётганлиги вазирликнинг мамлакатимизда рақобатбардош ахборот технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ялпи ички маҳ-

сулот улушида унинг ўрнини оширишга қандай муносабатда эканлигини кўрсатади.

Бу турида яқин вақт ичида мамлакатимиз иқтисодиёти ва ялпи ички маҳсулотда аҳамият бор технологияларнинг улусини орттиришда ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Маъмурий кенгаشلар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятининг самарали эмаслиги, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг султ ривожланганлиги инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўсқинлик қилиб, эркин иқтисодий зоналарнинг салоҳиятини инвесторлар учун жозибадорлигини пасайтиради.

Афсуски, бу каби муаммоларни бошқа эркин иқтисодий зоналарда ҳам кузатишимиз мумкин. Шу боис, эркин иқтисодий зоналарнинг самарали ишлашини, қонунчиликда кўзда тутилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш мақсадида мазкур масалада Парламент эшитувини ташкил этиш вақти келди, деб айтиш мумкин.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Улдубек САМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунийлик
палатаси депутатлари.

► Тезкор хабарлар

Темир йўл лойиҳаси муҳокама қилинди

14 октябрь куні Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигида Хитой Халқ Республикасининг ислохотлар ва ривожланиш бўйича давлат қўмитаси чет эл капитали ва хорижий инвестициялар департаменти бош директори ўринбосари Чжэн Чининг бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида «Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой» темир йўл лойиҳасини амалга ошириш юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтди. Хитой томони мазкур темир йўл линияси ўтиши мумкин бўлган ҳудудлар бўйича ўз таклифлари-

ни билдирди. Ушбу темир йўл линияси нафақат бир давлат учун балки бутун минтақа ривожини ва тараққиётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди. Шунингдек, мамлакатлар ўртасида мультимодаль ташувлар ҳажминини кўпай-

тириш, ҳамкорликда автомобиль ташувларини фаол ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги ахборот хизмати.



Талон-тороғ фoš бўлди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Бекобод туман бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширишда, “D.B.S” МЧЖ томонидан Бекобод туманидаги 29-сонли мактабга таълим муассасасида шартномада кўрсатилган реконструкция ишлари бажарилмаган бўлса-да, “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти филиали томонидан ушбу жамиятга 2,4 млрд. сўм ўтказиб берилиб, жуда кўп миқдордаги бюджет маблағлари талон-тороғ қилинганлиги аниқланган.

“D.B.S” МЧЖ раҳбари томонидан ўзлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан “Chevrolet Laccetti” русумли машина сотиб олиниб, жиний фаолиятдан олинган даромадлар легаллаштирилган.

Мазкур ҳолат юзасидан “D.B.S” МЧЖ раҳбари Х.Р., “Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент вилояти филиали мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси матбуот хизмати.

Божхона қонунбузилиши ҳолатларига қарши божхона органлари ходимлари томонидан тизимли равишда кураш олиб борилмоқда.

Маймун боласини олиб чиқмоқчи бўлишган...

Жумладан, Тошкент вилояти божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунбузилишига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида ноодатий божхона қонунбузилиши ҳолати ўз вақтида фoš этилди.

Тадбир давомида, Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудидан ўтувчи давлатимиз чегаралари яқинида турган “Spark” русумли машина божхоначилар эътиборини тортди ва автоулов ҳамда унинг ичида ўтирган фуқаролар Ф.У. ва Ж.С.лар белгиланган тартибда ҳолислар иштирокида назоратдан ўтказилди.

Натижада, машина салонида ноёб органган турига мансуб маймун боласи борлиги маълум бўлди.

Шунингдек, фуқаро У.Ф. божхоначиларни пайқоши билан оқудабуронлик билан машина ёнига улоқтирган тамаки қутиси



ҳам текширилди.

Текширув жараёнида тамаки қутисида 0,36 грамм гашиш гиёвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Қонунбузарлардан олинган маймун боласи Тошкент ҳайвонот боғига топширилди.

Мазкур ҳолат юзасидан божхона органлари томонидан суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Жавоҳир КАРАМАТОВ,
ДБК ахборот хизмати катта инспектори.

► Айтганча

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳалардаги сингари суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Кенг қўламли ислохотлар эса Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат бўлганидан сўнг юқори даражада жадаллашди.

Судларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш — замон талаби

Жумладан, Президентимиз томонидан 2017 йил 21 февралда “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра шу вақтгача фаолият юритиб келган ҳўжалик судлари қайта ташкил этилиб, иқтисодий судларга айлантирилди.

Иқтисодий судлар фаолиятини тартибга солиш мақсадида 2018 йил 24 январда иқтисодий процессуал кодекс қабул қилинди. Ушбу кодексда бир қанча янгиликлар қаторида иш юритишда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Хусусан, кодекснинг 4-моддасида иқтисодий ишлар электрон шаклда шакллантирилиши лозимлиги белгиланган.

Шу билан бирга, иқтисодий судларнинг иш юритиш жараёнида ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор этиш, қабул қилинган суд ҳўжатларини уларга юбориш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Гал шундаки, бугунги кунда ушбу жараён асосан, почта алоқаси орқали амалга оширилмоқда. Почта алоқаси орқали юборилаётган жўнатмалар ҳудуддаги почта хизматлари сифатига қараб энг кам деғанда 15 кунда етказиб берилмоқда. Натижада қўйидаги муаммолар юзага келмоқда:

- биринчидан, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги акрим ишда иштирок этувчи шахсларга суд муҳокамаси тайинланган вақтга қадар аксарият ҳўларда ўз вақтида етказилмапти ёки даъво аризида жавобгарнинг манзили нотўғри кўрсатилган ҳўларда умуман етиб бормайди;

бўйича қабул қилинган яқуний суд ҳўжжати (ҳал қилув қарорлари, қарор ва ажримлари) ҳам ишда иштирок этувчи шахсларга ўз вақтида етказиб берилмапти ёки жавобгарнинг манзили нотўғри кўрсатилган ҳўларда умуман етиб бормайди.

Ўз навбатида, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида вақтида хабардор бўлмаган ёки умуман хабардор бўлмаган ишда иштирок этувчи шахслар ўзининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, даъво талабига қарши ўз эътирозларини билдириш, судда низога оидлик киритувчи тегишли далилларни тақдим қилиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда, бу эса судларнинг низои ҳар тарафлама тўлиқ кўриб чиқишига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, суд ҳўжжатини ўз вақтида олмаган тараф апелляция ва кассация шикоятларини бериш мuddатлари ўтиб кетганидан кейин судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳўллари юзага келмоқда.

Ушбу муаммолар ҳар бир юридик шахсга электрон почта манзили очилиш тартибини жорий этиш орқали ҳал этилиши мумкин. Ушбу ҳўлатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳўамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 5-иловасида электрон почта манзили ёки интернет тармоғидаги веб-сайт очилиш ихтиёрийлик кўринишидан мажбурий тартибга ўтказиш лозим бўлади.

Агар ҳар бир юридик шахс ўзининг электрон почта манзилига эга бўлса, иш юритишда бир қанча қўлайликлар юзага келади. Жумладан, иш бўйича тарафларни иш му-

ҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш, суд ажримини электрон почта манзилига юбориш билан амалга оширилади. Натижада бир томондан ишни қисқа мuddатларда тайинлаб, кўриб чиқиш имконияти туғилса, иккинчи томондан, тарафларни почта харажатларини ундириш билан боғлиқ ортиқча харажатлардан ҳалос этади.

Маълумки, электрон почта манзили бўйича суднинг чақирув қоғозини иш бўйича тарафларга сониялар ичида юбориш мумкин бўлиб, суднинг судгача мажлис ўтказишига тўлиқ имкон яратилиб, суднинг ҳолислигига ҳеч қандай шубҳа пайдо бўлишига йўл қўйилмайди.

Ривожланган чет эл мамлакатлар тажрибаси ҳам шунини кўрсатмоқдаки, юридик шахслар судга мурожаат қилишдан олдин фаол равишда низои ўзаро тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қиладилар. Қолаверса, барча юридик шахсларнинг электрон почта манзили ёки веб-сайтнинг мавжудлиги ҳал қилувчи ўрин эгаллашини таъкидлаб ўтишимиз жоиз. Чунки, электрон почта манзили орқали юборилган талабнома ёки оғоҳлантириш хати қабул қилувчига аниқ ва қисқа фурсатларда етиб боради, бу эса имкон қадар низоининг тинч йўл билан ҳал этилишига ҳам хизмат қилади.

Судларда иш юритиш замонавий АКТларини қўллашни кенгайтириш, шубҳасиз, судлар томонидан одил судловни ўз вақтида амалга оширишга хизмат қилади.

Бу эса биринчи навбатда мурожаат қилувчиларнинг манфаатига хизмат қилади.

Бекзод ЖўРАЕВ,
Пайарқ туманлараро
иқтисодий суди судьяси.
Убайдулла ХўЖАНИЁЗОВ,
“Hurriyat” муҳбири.

Реклама

“AYNAN SIZ UCHUN”

JAMG'ARMA OMONATI

Yillik	Yillik	Yillik
16%	18%	20%
5, 10, 15 20, 25, 30 kunga	35, 40, 45, 50 55, 60, 65 kunga	70, 75, 80 85, 90, 95 kunga



+998 71 200 00 55
+998 71 202 50 50

XALQBANKINFO

Хизматлар лицензияланган.

Осмон жуда яқин эди...

Шеърят

Ўша дамлар

Тунда исмин сўрар эдим ҳур-малакдан,
Гул рақсини кўрдим ўшал капалакдан,
Уялгандай боқар эди ой фалакдан,
Осмон жуда яқин эди ўшал дамлар.

Юрак буеуборлик билан тилдош эди,
Баҳор эди, гул-доллар дилдош эди,
Мен эртакка, эртак менга йўлдош эди,
Осмон жуда яқин эди ўшал дамлар.

Тогда ўсган долаларим чорлар бу кун,
Дилда ёнган юлдузларим порлар бу кун,
Юрагимда эрир музлар, қорлар бу кун,
Осмон жуда яқин эди ўшал дамлар.

Хайлимдан кетмас найнинг полишлари,
Бобом чалган дўмбиранинг хонишлари,
Кўз ёшимга сирдош эди болшиларим —
Осмон жуда яқин эди ўшал дамлар.

Дупир-дупир от чоптирган далаларим,
Кўжда баҳор юзим ювган жолаларим,
Соғинчларим, ёмғирларим, нолаларим,
Осмон жуда яқин эди ўшал дамлар.

Ёз тугади, қушдай учиб кетди умр,
Навбахордан кузга кўчиб кетди умр,
Ҳаётда бир сирни очиб кетди умр,
Осмон жуда яқин эди ўшал дамлар.

Ёмғирдек кўз ёшим тўқдим хазонларга,
Янроқдек совурдим умрим тўзонларга,
Юракни тобладим шамол-мезонларга,
Ойдаи тўлин осмон эди ўшал дамлар,
Осмон жуда яқин эди ўшал дамлар...

Олис-олис томонларга йўл кетди,
Эзгу орзу-ҳавасларга дил кетди.
Ўтди менсиз неча-неча баҳорлар,
Сафарларга чиқди лайлу наҳорлар.

Тупроқ эдим, тупроқ кечди товоним,
Юрагимни шарҳ айлади забоним,
Кўнглимда ай соғинч тўла диёрлар,
Димоғимда қолди хушбўй ифорлар.

Қирда майса, бойчечаклар кўкарди,
Соғинч номли гулчечаклар кўкарди.
Дил овриги босилмайдиган кечалар,
Қадамимдан безор бўлди кўчалар.

Эй гулжон, висолинга муштоқман,
Ойдек ҳусни жамолинга муштоқман.
Қушлар ошиён қурди уйим шифтига,
Мактубларим олиб учди кифтига.

Хар баҳорда севимизни ёд этгин,
Раҳм айлагин, ғарибингни шод этгин.
Қалбим қушдек учиб борар қошинга,
Севгим изҳор айлар қўйиб бошинга.

Ана учиб келди дейсан бахт қуши,
Ваъдаларга вафо қуши — аҳд қуши.
Олис-олис томонларга йўл кетди,
Эзгу орзу-ҳавасларга дил кетди.

Оташсан, оловсан, ёндурадурсан,
Қандай шижоатсан, сен қандай тилсим?
Хаттоки жондан ҳам тондирадурсан.
Васлингни ато эт,
Дилинг оч, сим-сим.

Зеҳнимда, кўнглимда меҳринг илинжи,
Шарорим тилимда, парвона дилим.
Дудогинг бол-кавар, тишинг дур,
Васлингни ато эт,
Дилинг оч, сим-сим.

Пойинга майсалар титраб бош урғай,
Кўнглимга ўт қўйиб, кўзга ёш урғай.
Бошим ҳеч ёрилмас, ағёр тош урғай,
Хижрони ҳақдурсан,
Висоли тилсим.

Тегирмон тошида янчилғай,
Ер қаттиқ, осмонга етмайди қўлим.
Дилимда лоладай аъсон армонлар,
Васлингни ато эт,
Кўнглинг оч, сим-сим.

Ишқ йўли тўлиқдир жабру жафога,
Ошиқнинг ҳаёти дард билан сўлим.
Сўлимни шивирлаб айтдим сабога,
Васлингни ато эт,
Дилинг оч, сим-сим.

Зувалам пишган тупроғим,
Жисимдаги жондир ватан.
Онажоним, отажоним,
Томиримда қондир ватан.

Момоларим қурган ўчоқ,
Онам ёнган нондир ватан.
Боболарим эккан уруғ,
Даламдаги дондир ватан.

Тонгларимни нафаси қутлуғ,
Кўёшли осмондир ватан.
Ҳамма ватан ила бахтли,
Кимгадир армондир ватан.

Боболарим босган қадам,
Аждодларим ўтган довон.
Ёвга бўй бермаган қўрғон,
Ғолиб қаҳрамондир ватан.

Алломалар, авлиёлар,
Буюкларга қондир ватан.
Аждодларим ётган тупроқ,
Муқаддас макондир ватан.



Хайрулла ХОЛТУРАЕВ

Илк севгим, илк муҳаббатим,
Ва илк ҳаяжондир ватан.
Юрагимдаги Оллоҳим,
Қалбимда имондир ватан.

Хайл карвонлари манзили узоқ,
Аёвсиз юрагим эзади фироқ.
Одамлар ҳолимга боқар хайрона,
Оҳ дили девона, дили девона.
Ўтли тугёнларнинг нола-оҳидан,
Хазонлар тўкилғай дарахт шохидан.
Юрагим ичида бир қушча йиғлар,
Хижрон азоблари бағримни тиглар.
Мен-ку азоб билан яшадим бирга,
Олиб кетолмадим кўнглимни қирга.
Эна шамолларни соғиндим нетай,
Хамма ишни ташлаб қишлоққа кетай.
Сенсиз яшамоқлик нақадар оғир,
Хажрингда ўртаниб хуяди бағир.
Кўп бора изладим қалбимга зиё,
Нурга чулганмоқда ҳикматли дунё.
Мен юриб боряпман, чопиб боряпман,
Энтикиб, ичкиб, шориб боряпман.
Тўфондай тўзғиб, дарёдай жўшиб,
Онажон ёнингга шошиб боряпман.
Қишлоққа тоғлардан ошиб боряпман...

Тўртликлар

Эй воҳ, паймонаси тўлганлар қанча,
Дунёда девона бўлганлар қанча.
Қанча номлар яшар ўтган бўлса ҳам,
Умрида тириклай ўлганлар қанча.

Армонларнинг чўкиб ётган норлари бор,
Бойсун тоғнинг чўққисиди қорлари бор.
Соғинчларим сарғайтирмиш ўйларимни,
Қулогимда онажоним зорлари бор.

Ой боқади, ойдаи тўлин дилим қани?
Сир айтарга дилдошим тилим қани?
Кўп уриндим болаликка қайтайин деб,
Лекин ортага қайтадиган йўлим қани?

Боқ атрофга, турфа ранг тўзон,
Кўзларимга сочар чағи тўзон.
Қўлни кўрса қутирар қуюн,
Гулни кўрса хангу-манг тўзон.

Жаҳонда нима гап?

Трамп Туркияни қўрқитмоқчи бўлди?

АҚШ президенти Дональд Трамп Сурия шимоли-шарқда «Тинчлик булоғи» деб номланган ҳарбий амалиёт ўтказётган Туркияга қарши йирик санкциялар қўлашга тайёрланаётганини маълум қилди.



«Мен сенатор Линдси Грэм ва конгресснинг бошқа кўпга аъзолари билан, жумладан, демократлар билан Туркияга қарши кучли санкциялар қўлаш устида иш олиб боряпман. Молия вазирлиги иш бошлашга тайёр, қўшимча қонун талаб қилиниши мумкин. Бизда бу борада келишув бор. Туркия бундай қилмасликини сўраган. Кутинг!», дея ёзган Трамп твиттерда.

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоғун эса жаҳоннинг кўпга давлатлари талаб қилаётганига қарамай ушбу амалиёт тўхтатилмаслигини маълум қилган.

Мустақиллик учун 100 йил



Испания олий суди Каталония мухторияти мустақиллиги бўйича ноқонуний референдум ўтказишга алоқадор бўлган каталониялик сийсатчиларга жазо ҳукми чиқарди. Бу ҳақда ТАСС ахборот агентлиги хабар берди.

Ушбу иш бўйича судланган 12 кишидан бир қисми исён кўтаришга ундаш ва давлат пулини харжлаб юбориш бўйича айбдор деб топилган.

Ўз навбатида, мухторият ҳукуматининг собиқ раҳбари Карлес Пучдемон қарни дахшат деб атаган: «Умумий ҳисобда 100 йиллик қамоқ жазоси. Қандай дахшат», деб ёзган Пучдемон твиттерда. «Ўғилларимиз ва қизларимизнинг келажаги учун бунга муносабат билдириш керак. Демократия учун, Европа учун. Каталония учун», деб қўшимча қилган Пучдемон.

Бу орада Каталонияда норозилик намойишлари бошланиб кетди. Мухторият мустақиллиги тарафдорлари Барселона, Таррагона, Жирона ва бошқа шаҳарлар кўчаларида чиқишган.

Нобель мукофоти: қашшоқликка қарши

Швеция банки томонидан Альфред Нобель хотирасига таъсис этилган ва иқтисодиёт бўйича норасмий Нобель мукофоти деб аталувчи иқтисод фанлари бўйича мукофот 2019 йилда уч олим — америкалик Майкл Кремер ва Абхижит Банержи ҳамда франциялик Эстер Дюфлога «глобал қашшоқликка қарши курашдаги тажрибавий ёндашув учун» топширилди.



«Жорий йил совриндорлари глобал қашшоқликка қарши курашдаги энг яхши йўллар бўйича ишончли жавобларни олишда янги ёндашув ишлаб чиқишди. Уларнинг ва улар ортидан борган тадқиқотчиларнинг ишлари натижалари амалиётда қашшоқликка қарши кураша олишимизни анча яхшилади», дейилган Швеция қироллик фанлар академияси хабарида.

Уч совриндор 9 млн. швед кронаси (915 минг АҚШ доллари) микдордаги мукофот пулини ўзаро бўлишиб олишади.

Йирик терактлар 9 минг кишини ҳалок этди



2019 йил бошидан бери дунёда содир этилган энг йирик терактлар оқибатида 9 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлган. Бу ҳақда «Российская газета» нашрига интервьюда Россия хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Юрий Коков маълум қилди.

Унинг таъкидлашича, 2018 ва 2019 йилларда 70 га яқин давлат 5 мингдан кўпроқ йирик терактни бошдан кечирган. Террорчилар ҳужуми оқибатида 30 мингга яқин одам жабрланган.

«Жорий йилда 2 мингга энг йирик теракт оқибатида 9 мингдан кўпроқ одам ҳалок бўлган, 11 мингдан кўпроги йаранган», деб хабар берган Коков.

Унинг таъкидлашича, террорчиларнинг асосий нишони халқаро террорчиликка қарши курашда энг кўп ҳисса қўшган давлатлар бўлиб қолмоқда.

Японияга тўфон ёпирилди

Япониянинг катта қисмини кучли шамол ва ёмғирлар қамраб олди. «Хагибис» тўфони сўнгги 60 йилдаги энг йириги бўлиши мумкин.



Сўнгги маълумотларга кўра, Итихара шаҳрида кучли шамол туфайли автомобиль ағдарилиб кетди ва 50 яшар ҳайдовчи олинган жароҳатлар оқибатида оламдан ўтди. Кавасакида 60 ёшли эркек сув остиди қолган ва жонсиз ҳолда топилди. Тотиғи префектурасида бир аёл каналга йиқилиб тушиб, чўкиб кетди. Томи шаҳрида дарёда сув сатҳи кўтарилиши туфайли учта машина кўприқдан паства қулаган. Уларда жами 6 киши бўлган; уч киши кутқарилган, яна уч кишининг тақдирини номаълум. Токио кўрфазига Панама байроғи остиди ҳаракатланувчи кема чўкиб кетган. Унинг бортида 12 киши бўлган, улардан 3 нафарни кутқарилган. Экипажнинг қолган 9 аъзоси бедарак йўқолган.

7 миллиондан ортиқ киши сув тошқинлари хавфи ва кўчкилар ҳақидаги огоҳлантиришлар туфайли ўз уйларини тарк этишга мажбур бўлган. Аммо ҳозирда вақтинчалик турар-жойларга фақат 50 минг киши келган.

Ҳукумат бу 1958 йилдан бунён қузилган энг кучли тўфон бўлишидан хавотирланмоқда. 61 йил муқаддам «Каногава» тўфони 1200 кишини ҳаётдан олиб кетганди.

Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.

Турмуш чорраҳаларида


Дарвоза олдида икки аёл одатдагидек суҳбат қуриб ўтиришарди. Ўрталарида бир халтачада писта. Ана энди кўринг, ўтганнинг ўроғию кетганининг кетмони дегандек... Маҳалладаги «янги хабар»ларнинг ҳаммаси шуларда. Кимнинг қизи уйига қайтиб келди, ким ичиб келиб тўполон қилди... Бунақа «тезкор хабар»лар қанақа қилиб уларнинг қулоғига етиб келганига ҳайрон қоласан киши.

Чироғи ёниқ кўнгуллар

Кўчанинг бошида маҳалла котиби Тоҳир ака кўринди.
— Ҳа, яна пул йиққани келаятгандир-да, — дея гап бошлади улардан бири Мактуба. — Ўтган ҳафта сув йўқ эди. Бир пайт бизникига кириб келяптилар. «Келин, ёрилган сув қувурини янгилаётган эдик. Шунга, атаганингизни опчиқинг» дедилар. Бир тийин ҳам бермадим. «Мен ишламасам. Эримнинг йигирма беш мингига қараб қолдингизми? Боринг, бойлардан сўранг», деб чиқарвордим.

Шу орада котиб уларга яқинлашди ва сўрашган бўлди.
— Ҳўжайин уйдадилар? — деди дарвозани кўрсатиб.
— Ҳўжайин бола-чақа боқаман, деб ишга кетганлар.

Нима гапингиз бор эди? Айтиб қўяман.
— Биласиз, маҳалла кўчаларида тунги чироқлар йўқ. Шунга бир эркеклар билан йиғилишиб, шу масалани ҳал қиймоқчи бўлиб юрибмиз. Келсалар кеч саккизларда идорага чиқсинлар.
— Яна пул йиғмоқчимиз, деб қўя қолсангиз бўларди-ю, — деди Мактуба энсаси қотгандек бўлиб. — Ўзи ишингиз фақат пул йиғиш бўлиб қолибди. Нима, маҳаллада, тегишли ташкилотларда пул йўқми? Қачон қараса шу ахвол!
— Ҳозир ёз, кун узун, эртага киши-қировли кунларда болаларимиз қийналмасин деймишда. Тунги чироқлар ёниб турса, яхши-ку!
— Шу тунги чироқларни ўрнатадиган ташкилот йўқми?



Нега бунча одамларга оғирлигини ташлашарди. Энди порталга ёзамиз, — дея гапга қўшилди Соҳиба пистасини чақшдан тўхтамай.
— Эй, келин, қанақасизлар ўзи? Порталчилар кутиб турибди хатингизни! Дарров келиб ўрнатиб беришади. Ахир, қишлоқ бизники. Обод бўлса ҳаммамизга яхши эмасми? Ташқаридан биров келиб обод қилиб бермайди-ку?! — деди-да, котиб «сенларга гапирганининг фойдаси йўқ» дегандек қўлини силтаб, қўшни уйининг эшигини қоқди. Бироздан сўнг нафақадаги Назира холанинг дарвоза олдида туриб ўқиган дуоси эшитилди. «Ишларингизнинг Аллоҳ баракасини берсин. Фарзандларингизнинг камолини кўринг... Кам бўлса ҳам пенсиямдан атаганим. Ҳеч бўлмаса, лампочка-сига қўшарсизлар. Ўғлимга айтаман, албатта, қарашади. Бундай ишларга ҳисса қўшиш савоб-ку». Кампир қўярда

қўймай, котибга пул тутқазди. Бу воқеани кузатиб турган ҳалиги пистахўрларнинг лаблари буришиб кетди...
Одамзод шундай яралганки, унинг орзулари чексиз. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ яшашга интилади. Лекин ҳамма ҳам бир хил фикрламайди. Юқоридидаги экин аёллар каби ўн сўм тежайман деб, юз сўм зарар кўрадиганлар ҳам топилди.
Ободлик кўнгулдан бошлади, деган гап беҳиз айтилмаган. Оила даврасида ҳаётдан нолисақ, фарзандларимизга ҳам шу хусусиятимиз ўтаётганини сезмай қоламиз. Одатда чироғи кўчаларни, обод маҳалларни кўрганимизда ҳавасимиз келади. Мана шундай жойларда уйимиз бўлишини орзу қиламиз. Лекин ўша ерни, аслида, мана шу маҳалла эгалари олиб-югуриб обод қилишганини кўп ҳам фаҳмлайвермаймиз.

Гулчеҳра АКРОМОВА.

Мутолаа

Ҳаётда шундай пайтлар, ҳолатлар бўладики, уни фақатгина ҳис қила оласиз. Бировга тушунтириб беришнинг имкони йўқ. Ҳаёлларингиз билан ўз дунёингизда яшайсиз. Мана шундай дамларда "Нима учун яшайман?", "Ҳаёт нима ўзи?", "Муҳаббат-чи", "Меҳр-чи" деб ўйлаб қоламиз. Баъзида ҳаётимизда нималар бўлаётганини англашга қурбимиз етмайди, ўз муаммоларимиз билан ўралашиб юраверамиз, бахт келишини кутамиз. Ҳа, бахтни кутамиз! Аслида эса бахт ёнимизда, оддий, жуда оддий бўлишини билмаймиз...

Бахтнинг манзили қаерда?

Ёзувчи Элчин Сафарлининг "Қайтганимда уйда бўл" асарини ўқиш жараёнида ҳаёлимдан юқоридаги саволлар ўтди. Асарда ўзимни кўргандек бўлдим. Қалбимизнинг энг нозик туйғуларини ҳам черта олган асарда шундай жумла бор: "Ҳаёт — аjoyиб саёҳат!"

Асар китобхонни руҳлантираркан, айниқса, ҳаётда асл мақсадини унутиб қўйганлар учун яхши китоб экан деб ўйладим. Чунки бу китобда ҳаёт фақат яшашдаги ташвишлардан эмас, балки меҳр-муҳаббатдан ҳам иборат эканлиги кўрсатиб берилган.

Китобхонлар Элчин Сафарлининг асарларида воқелик эмас, туйғулар етакчилик қилади дейишди. Асарни ўқиш жараёнида буни ўзим ҳам ҳис қилдим. Ёзувчининг маҳорати шундаки, ҳаммага маълум гапни янгича усулда сизга етказиб беради.

Асар номидан китоб муаллифининг азалий йўналиши муҳаббат ҳақида бўлса керак деб ўйлагандим. Йўқ, янглишган эканман. Бу китобда севгининг энг беғубор шакли, яъни отанинг ўз жигарбанди, қизига атаб ёзган мактубларидан дунёга келган асар экан.



Асарда отанинг фарзандига бўлган муҳаббати, эркак ва аёлнинг меҳр-муҳаббати, ватанга муҳаббат, касбга нисбатан фидойилик, уруш асоратлари, эътиқод кучи хусусида сўз боради.

Айриқича кўни-қолмаган, уни тан олишни хохламаган отанинг қалб нидолари чиройли ифодаланган. Аутизм касалига йўлиққанлиги етмагандай, ота-онасини йўқотган Леоннинг беғубор нигоҳи. Йил бўйи қўш хўм суратдан жойда тинчлиги учун шукур қилиб яшайдиган Аминнинг новвойхонаси...

Элчин Сафарлида ҳар бир ёзувчида учрамайдиган алоҳида ўзига хослик бор, назаримда. Қаҳрамон портретини яратилганда ўзига хослиги асарларида алоҳида аҳамият касб этади.

Яхши асарлар кўмга тушиб қолган олмас қабидир, давр кўмлари остида маълум вақт қолиб-қолиб турса-да, сара адабиёт қизиқувчилари деган шомол уни яна юзага чиқариб қўяверади.

Келинг, яхшиси ушбу асардаги қуйидаги фикрларга эътибор қилинг:

- Ҳар кун, ҳар кимдан, ҳоҳ у яхши ёки ёмон бўлсин, бир нима ўрганиш мумкин.
- Бизнинг ўзимиз мукамалликдан йироқмиз ва бошқалардан ҳам бениҳсонликни кутмаслигимиз шарт.
- Ҳаёт — шунчаки йўл. Одимлашдан лаззат ол!
- Шошалоқлик қилма, аммо қайининг қаёққа сузётганлигини ҳам эсдан чиқарма. Балки, у йўлидан адашгандир.
- ...Бизга вақтни бошқариш ҳуқми берилмаган, аммо уни нима билан ва қандай тўлдиришни ўзимиз ҳал қиламиз.
- ...Енингдагиларни кечира олишни ўрган, шунда ўзинг ҳам кечирилишга мўяссар бўласан.
- ... Муҳаббатни дўстлик ва эҳтироснинг аjoyиб уйғунлиги деб атаб юрган эканми. Муҳаббат бу — оила экан. Қандай тушунтирсам экан сенга, эҳтиросга тўла юраклар аҳиллигининг бир кўмгон атрофида, бир кўргон остида фаровон турмуш кечирини экан.

ЗЕБО САЛИМОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институтини ўқитувчиси.

Сабоқ

Халқимизда "Оёғинг ердан узилмасин" деган нақл бор. Бир қарашда одатий гапдек туюлади. Лекин бунинг учун бир баҳия кифоя. Келинг, гапни сал узоқроқдан бошлайлик.

Оилага ибрат мактаби яратилмас...

"Оёғи ердан узилганлар" сафи ортаверади

Тарих саҳнасига бирров назар ташласак ҳар қандай улкан хатоларнинг замирида "оёғинг ердан узилмиши" ётганини кўрамиз. Яқинда Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Давроннинг "Шайх Кубро тушлари" асарини ўқиб чиқдим. Унда мўғуллар томонидан юртимизнинг ишғол қилиниши манзаралари ёритилган. Аянчи аҳволда ўлим толган Муҳаммад Хоразмшоҳ, унга таъсир ўтказиб, мамлакат тақдирини боши берк кўчага олиб кириб қўйган Турконхотун тақдирини айни шундай манзаралар акс эттирилган. Айшу ишратга берилган Муҳаммад Хоразмшоҳ алақоқибат Каспий денгизидagi ороллардан бирида кафанлик ҳам топилмай ўз кийимини дафн этилган бўлса, Турконхотуннинг бир умр яшаб кўрган "лаzzат"лари мўғуллар қаршисига тиз чўкиб турган ҳолидаги арзимас лаҳзаларда унут бўлди...

Бир йигитни биламан. Ёшлигидан кўп машаққат тортиди. Улғайиб қўли пул кўрди. Бўлганда ҳам, беҳисоб маблагни "айлантирди". Охири нима бўлди? Оёғи ердан узилди. На қариндош уруғ, на дўсту яқинларни "танимай қолди". Табиийки, ўзи билан ўзи ҳисоб қилишга ҳам вақти бўлмади. Қўша-қўша уйлар кўрди. Машиналарни эрмакка алмаштирди. Яна нима ишлар қилгани бир ўзига ва Худого аён. Хуллас, орадан кўп ўтмай нима ёки нималар бўлди-ю борбидан айрилди. Уйлар сотилди. Машиналар қолмади. Ўзи ижарада яшай бошлади. Яна бўйинида бир олам қарз билан. Пулини сўраб, қидириб юрганларнинг саноғи йўқ!?

Уша йигитнинг онаси билан суҳбатлашиб қолдим. Ўғлидан нолиди: "Ҳеч кимнинг айтганини қилмайди. Қандай муаммоси борлигини ҳам билдирмайди. Ҳа, дейди ишонтириб бу ёққа ўтади, хўп, дейди кулимсираб бошқа ёққа кетади. Охири пайтлар хавотир олиб қолдим, ўзини бирон нима қилиб қўймасин деб. Раҳматли отаси маънавиятли, илмли киши эди. Эрка ўсган ўғлим кимга тортиди, билмайман".

Эътибор қилган бўлсангиз, буларнинг барчасига авлодлар ўртасидаги риштаннинг мустаҳкам эмаслиги сабаб бўлаётти. Шу қадар жон куйдириб фарзандининг тақдирини учун ҳаракат қилган онанинг боласи шу аҳволда. Хўш, унда катта стол қаршисига ота-онаси ва меҳмонлардан кўриб, пиёла-ни тўқиштираётган, ҳали мактаб ёшига етмаган норасидаларнинг келажаги нима бўлади? Қайфи таранг келиб, ўғилларининг олдида хотинини ичкарига судраб кириб кетган ота вақт ўтиб ўғиллари бир қизни келин қиласиз, деб етаклаб келганида нима дея олади?!

Яна ўша хатолик. Ибрат бўладиганлар бир намунага, насихатга муҳтож бўлиб турибди. Оилага ибрат мактаби яратилмас экан, чиқарилаётган маънавиятга доир китоблар, мақолалар, илмий ишлар, учрашув-у мулоқотларнинг нафи бўлармикан? Каминани қийнаётгани нима биласизми? Мана шу ёзаётганларимизни "оёғи ердан узилганлар"нинг жила қурса бир нафари ўқирмикан? Ўқиса бир лаҳзага тўхтаб, хатти-ҳаракатларига, фаолиятига синчиклаб разм солармикан, хулосалар чиқариб, ўзини тўтишга ҳаракат қилармикан?

Қайдам. Бошқаларни айблаш, жамиятни, борингки башариятни айблаш жуда осон. Лекин фикримизча, ишни ҳар ким ўзини тузатишдан бошлагани маъқул. Бу хусусда қайсидир китобдан қуйидаги иборани кўчириб қўйган эканман: "Сиз қисматни, фаслларни, шомол йўналишини ўзгартира олмайсиз. Лекин қандай китоб ўқийшингиз, кимлардан сабоқ олишингиз кераклиги фақат Сизнинг қўлингиздадир. Гапирган ҳар гапингизга ўзингиз жавоб берасиз!"

Азиз НОРҚУЛОВ
Баҳмал тумани.

Рассом ҳандаси



Хусан СОДИҚОВ чизган ҳаракатра.

Реклама



TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ юртдошларимизга миллий валютадаги «Жавоҳир»

муддатли омонат турини таклиф этади

Омонатнинг йиллик фоиз ставкаси — **21%-23%**

Омонат муддати — **12-36 ой**

Омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Шунингдек «Туронбанк» АТБ Сизга миллий ва хорижий валюталарда жозибадор шартларда муддатли, жамғарма ва онлайн (MyTuron иловаси орқали) омонатларини таклиф этади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.



www.turonbank.uz

turonbank

turonbank

turonbankuz

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган

HURRIYAT Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси	Бош муҳаррир Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ	Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мактубларингизни кутамиз.	Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91 Тел-факс: (0-371) 244-32-80 Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-88	Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz
	Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 5 босма табақ, Бичими — А-2. Баҳоси келишилган нарҳда	Адади: 4005 Буюртма — V-3829 1 2 3 4 5	Обунинг индекси: яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233	Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайн А.Содиқов томонидан саҳифаланди.